

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,  
дилида - поклик бўлиши шарт.*

*Шавкат МИРЗИЁЕВ*

12/2021

ISSN 2181-8991

# ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

**Муассис:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди**

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*Козимджан КАМИЛОВ  
Робахон МАХМУДОВА  
Ҳалилillo ТУРАХУЖАЕВ  
Икрам МУСЛИМОВ  
Бахтиёр ИСАКОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ  
Ибрагим АЛИМОВ  
Олим ХАЛМИРЗАЕВ  
Замира ЭСАНОВА  
Омонбой ОҚЮЛОВ  
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ*

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2021 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

**Бош муҳаррир**  
*Камол УБАЙДИЛЛОЕВ*

**Масъул котиб**  
*Муталиф СОДИҚОВ*

*Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.*

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**  
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Чўпонота кўчаси, 6-уй  
Х/р 20210000300101763001  
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали  
МФО 00850, СТИР 201403038

**ТЕЛЕФОН:** 278-96-54, 278-91-96,  
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

**E-mail:** odilsudlov.oliy@sud.uz  
**Веб-сайт:** www.odilsudlov.sud.uz

Босишга 2021 йил 16 декабрда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табок. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма – 19. Нашр адади 3950 нусха.

**Навбатчи муҳаррир**  
*Муталиф СОДИҚОВ*

**НАШР ИНДЕКСИ – 909**

Сотувда келишилган нархда

«*NAKIMA NASHR GROUP*» МЧЖ  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: 100 057,  
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани  
Ифтихор кўчаси, 117-уй

**ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори.....3

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори.....7

**8 ДЕКАБРЬ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ**

**Б. Убайдуллаев.** Конституция – ислохотлар пойдевори.....11

**КОРРУПЦИЯ НАЗОРАТИ**

**Б. Баҳринов, Ш. Гайбердиев.** Коррупция — тараққиёт кушандаси, хавфсизликка таҳдид туғдирувчи жиноят.....14

**Р. Нурматов, Ш. Мирзаев.** Коррупцияга қарши курашиш – миллий, халқаро ва хорижий амалиёт.....19

**МУНОСАБАТ**

**Ш. Бакаев.** Маъмурий судларнинг ташкил этилиши ва уларнинг суд тизимидаги ўрни.....23

**КРИМИНАЛИСТИК ЖАРАЁН**

**Р. Абдуллаев.** Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг техник-криминалистик воситалари.....30

**СУД ЖАРАЁНЛАРИ**

**О. Пирматов.** Онлайн суд жараёнлари.....34

**МУРОЖААТ ВА МУНОСАБАТ**

**Х. Курбанова.** Мурожаатчилар билан ишлаш жараёнида хушмуомала бўлиш ва ўзини тутиш маданияти.....36

**ТАҚРИЗ**

**К. Саидов.** Судьялар учун зиё манбаи.....40

**ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....79**



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг  
ҚАРОРИ

## ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ОИД ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2021 йил 27 ноябрь

32-сонли

Тошкент шаҳри

Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётида вужудга келган масалалар муносабати билан, шунингдек мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқишда қонун нормалари тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, терроризм ва экстремизмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноят ишларининг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши миллий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

2. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, терроризм ва экстремизмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноят ишларини кўриб чиқишда судлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари билан бир қаторда қуйидагиларга амал қилишлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг «Тер-

роризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига;

терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги халқаро конвенцияларга;

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳи (ФАТФ) тавсияларига.

3. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) 155<sup>3</sup>-моддасида қуйидагилар учун жиноий жавобгарлик белгиланган:

террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, тер-

рорчилик фаолиятида иштирок этиш учун шахсларнинг хорижга чиқиб кетиши ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишини, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишни моддий ёки молиявий жиҳатдан таъминлаш (бундан буён матнда терроризмни моддий ва молиявий таъминлаш деб юритилади);

террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай воситаларни, ресурсларни бериш ёки йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатиш.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ террорчилик ташкилоти деганда, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви тушунилади.

5. Террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини моддий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш қўйидагиларда ифодаланиши мумкин:

ҳар қандай кўчар ёки кўчмас активларни ёки бундай активларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи юридик ҳужжатларни тақдим этишда ёхуд уларда иштирок этишда (масалан, банк чеклари, пул ўтказмалари, банк кредитлари, қимматли қоғозлар, облигациялар, векселлар, акциялар, аккредитивлар ва ҳ.к.);

террористик ҳаракатларни амалга ошириш учун мўлжалланган бошқа мулкларни тақдим этишда ёки хизматлар кўрсатишда.

6. Террористик фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган мулк

характердаги хизматлар қўйидагиларда ифодаланиши мумкин:

террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиш учун чипталар сотиб олишда;

пул маблағларини, шу жумладан, хайрия нуқоби остида Ўзбекистон Республикасидаги ёки хориждаги ҳисоб рақамларига ўтказишда;

учинчи шахслар орқали пул ва бошқа маблағларни тақдим этишда;

террорчилик ташкилотларига қўшилиш учун жўнаб кетаётган шахсларга йўлбошчилик қилишда;

террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун қурол-яроғ, ўқ-дори ва бошқа асбоб-ускуналар тақдим этишда;

озик-овқат маҳсулотлари, ҳаётий зарур нарсалар, дори-дармонлар, кийим-бош, анжомлар, алоқа воситалари, транспорт, турар ва нотурар жойлар пул маблағлари тақдим этишда ва ҳ.к.

7. Воситалар, ресурслар тўплаш деганда, терроризмни молиялаштириш учун мўлжалланган жиноят предметини излаб топиш ёки жамғаришга қаратилган ҳаракатларни содир этиш тушунилади. Воситалар, ресурслар тўплашда ифодаланган жиноят терроризмни молиялаштириш учун мўлжалланган предметларнинг бир қисми олинган пайтдан бошлаб, бунда олинган воситаларни тасарруф этиш учун реал имконият мавжудлигидан қатъи назар, тугалланган ҳисобланади.

8. Воситалар, ресурсларни тақдим этиш деганда, илгари қонуний ёки ноқонуний йўл билан топилган ва терроризмни молиялаштириш учун мўлжалланган жиноят предметини террористик характердаги жиноятларни

содир этишгача ёки содир этиш жараёнида топшириш тушунилади. Бу қилмиш жиноят предмети амалда тақдим этилган, шу жумладан, почта ёки бошқа алоқа воситалари орқали жўнатилган пайдан бошлаб, ундан фойдаланиш учун реал имконият мавжудлигидан қатъи назар, тугалланган ҳисобланади.

9. Террористик ташкилот аъзоси бўлган шахс томонидан уни молиялаштиришда ифодаланган ҳаракатлар ЖК 155 ва 155<sup>3</sup>-моддалари мажмуи билан квалификация қилинади.

10. Тушунтирилсинки, шахсни ЖК 155<sup>3</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топиш учун терроризмни молиялаштиришнинг ҳеч бўлмаганда битта факти аниқланганлигининг ўзи етарли.

11. Дастлабки тергов органлари ва судлар айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 155<sup>3</sup>-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди билан квалификация қилишда ЖК 32 ва 34-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя этишлари лозим.

12. Мансабдор шахсларнинг терроризмни молиялаштиришда ифодаланган ҳаракатлари ЖК 155<sup>3</sup>-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди бўйича квалификация қилинади ва ЖК 192<sup>11</sup>, 205-моддалари бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

Мансабдор шахснинг ҳаракатларини ЖК 155<sup>3</sup>-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди бўйича квалификация қилишда, айбдор терроризмни молиялаштиришда ўз мансаб ваколатларидан фойдаланганлиги аниқланиши лозим.

13. Айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 155<sup>3</sup>-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди бўйича квалификация қилиш учун икки ва ундан ортиқ шахсларнинг терроризмни молиялаштириш фаолия-

тини амалга ошириш мақсадида гуруҳга бирлашганлиги аниқланган бўлиши керак.

14. Шахснинг ҳаракатларида экстремизм белгилари бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига амал қилишлари лозим.

15. Қонунга мувофиқ экстремизмни молиялаштириш деганда, қуйидагиларга қаратилган фаолият тушунилади: экстремистик фаолиятнинг мавжуд бўлишини ва фаолият кўрсатишини, шахсларнинг экстремистик фаолиятда иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишини ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишини таъминлашга;

экстремистик ташкилотларга ёки экстремистик фаолиятга кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағларни, ресурсларни беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга.

16. Судларга тушунтирилсинки, ЖК 244<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида қуйидагилар учун жинойий жавобгарлик белгиланган:

диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш ёки сақлаш;

қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга давлат этиш;

диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёхуд намойиш этиш.

17. Шуни назарда тутиш керакки,

ЖК 244<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик қуйидаги ҳолларда келиб чиқади:

диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш;

қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга даъват этиш;

фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш;

диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш.

18. ЖК 241<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар содир этилишини молиялаштиришда иштирок этган шахснинг ҳаракатлари, жиноятни бажарувчининг ҳаракатларидан келиб чиққан ҳолда, ёрдамчи сифатида квалификация қилинади.

19. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этишни молиялаштиришда иштирок этган шахснинг ҳаракатлари ЖК 244<sup>2</sup>-моддаси билан квалификация қилинади.

20. Мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқишда, судлар шахсда терроризмни ёки экстремизмни молиялаштиришга қаратилган тўғри қасд мавжудлигини аниқлаши лозим. Жумладан, судлар томонидан шахснинг айбини исботловчи далилларга ҳуқуқий баҳо беришда, Ўзбекистон Республи-

каси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги «Далиллар мақбул-лигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорида баён этилган тушунтиришларга амал қилишлари лозим.

21. Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришда айбдор деб топилган шахсларга жазо тайинлашда, ҳар бир алоҳида ҳолатда судлар содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олишлари зарур.

22. Терроризмни, экстремизмни молиялаштириш тўғрисидаги иш бўйича муҳокама тамомланганда, судлар иш бўйича ашёвий далиллар тўғрисидаги масалани ЖПК 211-моддасига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги «Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорида берилган тушунтиришларига амал қилган ҳолда ҳал қилишлари шарт.

23. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар терроризм ва экстремизмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноят ишлари тўғри кўриб чиқилишини таъминласинлар, шунингдек, суд амалиётида мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилиши юзасидан чоралар кўрсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**  
**К. КАМИЛОВ,**

**Пленум котиби,**  
**Олий суд судьяси**  
**И. АЛИМОВ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг  
ҚАРОРИ

**КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЁКИ ЗАҲАРЛИ  
МОДДАЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА  
МУОМАЛАГА КИРИТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ  
ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА**

2021 йил 27 ноябрь

33-сонли

Тошкент шаҳри

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

**Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:**

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёхуд психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни (бундан буён матнда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар деб юритилади) қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишларини кўриб чиқишда, судлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари билан бир қаторда қуйидагиларга амал қилишлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонунига;

Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сонли қарорига 1-илова);

Яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолияти лицензияланиши шарт бўлган портлов-

чи ва заҳарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек портлатиш воситалари рўйхатига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 782-сонли қарорига 1-илова);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган қуйидаги рўйхатларга:

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (I рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (II рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган психотроп моддаларнинг рўйхати (III рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган прекурсорларнинг рўйхати (IV рўйхат).

2. Тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) 251<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш деганда, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар-

ни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун мўлжалланган асбоб-ускуналарни ўтказиш мақсадида тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш тушунилади.

3. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш деганда, уларни қонунчиликни бузган ҳолда кимёвий моддалардан, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан бир маротаба ёки кўплаб олишга қасддан қаратилган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

4. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда қайта ишлаш деганда, таркибида бир ёки бир неча кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар мавжуд қаттиқ ёки суюқ аралашмаларни кўшимча моддалардан тозалаш (рафинация) ёхуд бундай аралашмада кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар нисбатини кўпайтириш, шунингдек бошқа фармокологик актив моддалар билан аралаштириш орқали уларнинг одам организмига таъсирини кучайтириш тушунилиши лозим.

5. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда олиш деганда, уларни ҳар қандай усулда олиш, шу жумладан, сотиб олиш, ҳады тариқасида ёки бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ёки қарзни узишда ўзаро ҳисоб-китоб воситаси сифатида олиш, шунингдек бошқа товарлар ёки ашёлар билан алмаштириш, топилмани ўзлаштириш тушунилиши лозим.

6. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай моддаларга қонунга зид равишда эгалик қилиш билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий жой ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши

лозим. Бунда шахс кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қанча вақт давомида қонунга хилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмайди.

7. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда ташиш деганда, уларни ҳар қандай транспорт туридан ёки ташиш воситаси сифатида қўлланилган қандайдир объектдан фойдаланган ҳолда бир жойдан бошқа жойга, шу жумладан, бир аҳоли пункти доирасида кўчириш, шунингдек қайд этилган восита ва моддаларни бундай фаолият тури билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик шахснинг масъул шахси томонидан қонунчиликда белгиланган тартибни бузган ҳолда ташиш тушунилиши лозим.

8. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда жўнатиш деганда, шахснинг почта алоқаси, ҳаво ёки бошқа транспорт туридан фойдаланиб, уларни почта жўнатмалари, посилкалар ёки юк (багаж) сифатида, шунингдек ўзи бевосита иштирок этмаган ҳолда бошқа шахс орқали қонунчиликда белгиланган тартибни бузган ҳолда кўчиришга қасддан қаратилган ҳаракатлари тушунилиши лозим.

Бунда ушбу қилмишлар учун жиноий жавобгарлик шахсда келгусида мазкур моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш қасди мавжуд бўлганидагина, вужудга келади.

9. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни ҳар қандай усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш, ҳады этиш, алмаштириш, қарзи эвазига бериш ёки қарз сифатида бериш ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозим. Бунда моддалар шахс томонидан бевосита ёки бошқа усулда (масалан, улар сақланадиган жой ҳақида хабар бериш, шартлашил-



ган жойга қўйиб кетиш) амалга оширилиши мумкин.

10. Айбдор томонидан кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг фақат бир қисми қонунга хилоф равишда ўтказилиб, қолган қисми кейинчалик суриштирув ёки дастлабки тергов давомида аниқланган ҳолларда, айбдорнинг ҳаракатлари кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг умумий миқдоридан келиб чиқиб, қонунга хилоф равишда ўтказиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

11. Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар миқдорлари, шунингдек уларни тайёрлаш ёки қайта ишлаш учун мўлжалланган асбоб-ускуналарга (приборлар, аппаратлар, асбоблар, иншоотлар, технологик комплекслар ва ҳ.к.) оид масалаларни ҳал қилишда судлар тегишли давлат органининг Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сонли қарорига 1-илова) асосланиб берилган хулосасига амал қилишлари лозим.

12. Агар шахс томонидан кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар ниқоби остида қандайдир бошқа моддалар ўтказилган бўлса, унинг қилмиши фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим. Бунда олувчининг ҳаракатлари, қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга суиқасд сифатида квалификация қилинади.

13. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ёки уларни ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки олишда воситачининг ҳаракатлари, мазкур моддаларни ёки асбоб-ускуналарни қонунга хилоф равишда ўтказишда ишти-

рокчилик сифатида квалификация қилиниши лозим.

14. Айбдорда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим. Бундай далилларга, масалан, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар фақат истеъмол қилиниши истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай моддалар муайян дозада қадокланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги ва ҳ.к. киради.

15. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни кўп миқдорни ташкил қилмайдиган миқдорда ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш учун айбдорлар ҳар қандай ҳолларда ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисми билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Агар мазкур ҳаракатлар айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда – такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уюшган гуруҳ томонидан ёхуд кўп миқдорда содир этилган бўлса, қилмиш тегишли равишда ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи ёки учинчи қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

16. Кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят таркиби формал бўлганлиги сабабли, мазкур жиноят қонунида кўрсатилган ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан бошлаб тамомланган деб ҳисобланади.

17. Судларга тушунтирилсинки, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни Ўзбекистон Республикаси божхона чега-расидан қонунга хилоф равишда ўтказиш йўли билан ташиш ёки жўнатиш ЖК 246 ва 251<sup>1</sup>-моддалари мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

18. Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 165<sup>1</sup>-моддасининг учинчи қисми билан жавобгарликка сабаб бўлади. Агар бундай ҳаракатлар маъмурий жазо чоралари қўлланилгандан сўнг ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 186<sup>3</sup>-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилинади.

19. Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини бунга рухсатномаси (лицензияси) бўлмаган дорихоналарда реализация қилиш кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш сифатида баҳоланиши ва ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим.

20. Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини бериш учун мўлжалланган рецептни уларни шахсан истеъмол қилиш мақсадида қалбакилаштириш ЖК 228-моддаси билан, рецепт бундай воситаларни ўтказиш мақсадида қалбакилаштирилганда эса, ЖК 228 ва 251<sup>1</sup>-моддалари мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

21. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш (ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг тўртинчи қисми) одамнинг узоқ муддат давомида касалланиши,

атроф-муҳитнинг заҳарли моддалар билан ифлосланиши ва ҳ.к.ларда ифодаланиши мумкин. Эҳтиётсизлик орқасида баданга шикаст етказилиши ёхуд одам ўлиши ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг тўртинчи қисми билан қамраб олинади ва ЖК Махсус қисмининг инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан квалификация қилишни талаб этмайди.

22. Судлар мазкур тоифадаги ишлар бўйича жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қароридан берилган тушунтиришларга амал қилишлари лозим.

23. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларга оид ишлар бўйича ашёвий далиллар тўғрисидаги масалани судлар уларни сақлаш, давлатга топшириш ва йўқ қилишнинг ўрнатилган тартибига қатъий амал қилган ҳолда ҳукмда ҳал этишлари лозим.

24. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларга оид ишлар судлар томонидан қонунга мувофиқ кўрилишини таъминлашлари ва суд хатоларини ўз вақтида тузатиш юзасидан зарур чоралар кўрсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**  
**К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,**  
**Олий суд судьяси**  
**И. АЛИМОВ**



## КОНСТИТУЦИЯ – ИСЛОҲОТЛАР ПОЙДЕВОРИ

*Тўла ишонч билан айтиши мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир.*

*У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиши борасида мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.*

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида босқичма-босқич ва тизимли равишда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислоҳотларнинг мустақкам юридик манбаи ҳамда асосий ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон халқининг истиқлолга эришганлиги унинг мустақиллик Қомуси бўлмиш Конституциясида мустақкамланган. Конституция дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганини акс эттирди. Конституция халқнинг ўзини ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш тўғрисидаги азалий орзусини ифодалаган.

Конституцияда мустақил ўзбек давлатининг моҳияти, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий тизимининг демократик табиатини, унинг умуминсоний кадриятларга содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари юридик жиҳатдан қатъий белгилаб қўйилган. Шу маънода, Конституция истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзидир.

Айни чоғда, Ўзбекистон Конституциясининг тарихий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва халқаро аҳамиятини ҳамда конституциявий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш самараларини тарғиб ва ташвиқ қилиш мамлакатда демократик ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим ҳуқуқий-маърифий омили бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг энг буюк ютуқларидан бири – мам-

лакатда тарихан қисқа муддатда миллий давлатчиликнинг мустақкам ҳуқуқий пойдевори яратилганидир. Бинобарин, ҳуқуқий давлатчилик сари интилган ҳар қандай демократик жамиятда Конституция устувор аҳамият касб этади.

«Конституция» атамаси ҳуқуқий тушунча сифатида узок йиллар давомида турлича маъноларда қўллаб келинган. Аслида «constitutio» сўзи лотинча бўлиб, «tizim, tartib ўрнатиш, барпо этиш, ташкил қилиш» деган луғавий маъноларни англатади.

Конституция инсониятнинг ижтимоий ҳаётини ҳуқуқий тартибга солиш ва ташкил этиш борасида кашф этилган энг муҳим ютуқлардан биридир.

Конституция ўз-ўзича, яъни алоҳида, жамиятдан ажралган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. Конституция демократик, сиёсий ва ҳуқуқий институтларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шу боис, унинг жамият ҳаётида бажарадиган вазифаларини тарихий тараққиёт ва тажриба билан узвий алоқадорликда талқин этиш орқали бу муҳим ҳужжатнинг туб моҳиятини англаш мумкин.

Тарихан қарор топган муайян давлат конституциясининг мазмун-моҳияти босқичма-босқич ва изчил равишда ижтимоий ва ҳуқуқий оннинг ривожланиши, конституциявий нормалар матнининг чуқур таҳлил этилиши ва тегишли ечим талаб қиладиган янги масалаларнинг юзага келиши билан узвий боғлиқ ҳолда янада такомиллашиб боради.

Таҳлилларга кўра, 1789 йилдан ҳозирги кун-

га қадар дунёда 3500 тадан ортиқ конституция қабул қилинган. Бу конституцияларнинг умри ўртача 17 йилни ташкил қилган, холос. Ушбу кўрсаткич, яъни демократик конституциялар умрининг ўртача давомийлиги Биринчи жаҳон урушига 21 йил бўлган, кейинги даврда эса 12 йилга тушиб кетган.

Миллий давлатчиликнинг энг муҳим ҳуқуқий қадриятларини белгилаб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ва жамият қурилишининг асосий ҳуқуқий тамойиллари ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиб, улар орасида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши ҳал қилувчи қоида сифатида мустақамлаб қўйилган.

Ана шундай мустақам ҳуқуқий пойдевор асосида сўнгги йилларда Ўзбекистонда туб демократик ислохотлар амалга оширилди, давлат ва хўжалик бошқарувининг таркибий тузилиши модернизация қилинди ва янгиланди, жойларда ҳокимлик институти жорий этилиб, маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилинди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими – маҳалла институти ривожланди.

Мамлакатда ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти асослари яратилиб, янги иқтисодий муносабатлар механизмлари жорий этилди, тегишли бозор инфратузилмаси институти ташкил этилди, замон талабларига жавоб берадиган мутлақо янги молия ва икки босқичли замонавий банк тизимлари шакллантирилиб, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида чуқур ислохотлар амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида миллий уйғониш жараёнининг таркибий қисми сифатида бир қатор устувор вазифалар белгиланиб, улар ижроси юзасидан самарали ислохотлар амалга оширилмоқда.

Миллий ғояни шакллантириш ва аҳоли онига синдириш, таълим тизимини ислох қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш ана шу долзарб вазифалар жумласига киради.

Эътиборли жиҳати шундаки, миллий тикланиш ғоясининг таянчи бўлган ушбу масалаларнинг ҳуқуқий асослари, негизлари Конституциямизда қафолатлаб қўйилган.

Конституция ва миллий тикланиш, маънавият ва маърифат, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий ма-

даният, миллий ўзлик ва азалий қадриятлар, бу кўхна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат ва одиллик, иймон ва олижаноблик, бағрикенглик ва мардлик, инсонпарварлик ва танглик каби улуғ хислатлар Конституциядан муносиб ўрин олган.

Бош Қонунимизнинг қабул қилиниши муҳим сиёсий, ҳуқуқий ҳужжат сифатида жаҳонда янги, суверен, истиқболи порлоқ давлат дунёга келганининг ўзига хос шаҳодатномаси бўлди.

Инсон ўз ҳаётини борлиққа, унинг қонунларига эътибор бермай ташкил эта олмайди. Шунинг учун ўзини кашф қилишда, ўрганишда, унинг хусусиятларини, меъёрини кенгрок библишга интилади.

Мамлакатимиз Бош Қомусида жамият ва давлат, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тузилиши ҳамда фаолиятининг асосий принциплари, уларнинг ваколатлари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар белгилаб берилган.

Таъкидлаш керакки, 1992 йил 8 декабрда XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган Конституциямиз мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямиз яратилиши тарихига назар солинса, Асосий Қонун ўзбек халқининг мустақиллик сари узок йўлдаги изланишлари манتيқий натижаси эканига комил ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ўзбекистон Конституциясининг ғоя ва нормаларида халқимизнинг кўп асрлик тарихий тажрибаси ва маънавий-маърифий қадриятлари ҳамда бой миллий-ҳуқуқий мероси акс эттирилгани унинг ҳаётлигининг қафолатидир.

Шу билан бирга, Бош Қомусимиз қўллаб демократик давлатларда мавжуд конституциявий қурилиш соҳасидаги илғор юридик тажрибанинг энг яхши жиҳатларини, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг умумэътироф этилган нормалари ҳамда бу соҳасидаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизми ни ўзида мужассам этган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари» деб номланган X боби муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳаётдаги рўёби, уни ишончли амалга оширилиши мураккаб жараён ҳисобланади. Истиқлолнинг асл моҳияти инсонни ва унинг ҳаётини улуғлашдир.

Бош Қомусимизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний қадриятларга асосланиши, инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги қатъий белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «фуқаро» сўзи 66 марта, «шахс» сўзи 30 марта, «халқ» сўзи эса 25 марта ишлатилганлиги, юқоридаги тамойилларнинг яққол исботидир.

Халқимизнинг асрий орзулари, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган озод ва обод Ватан равнақи тамойиллари, юртимиз фуқароларининг бурч, ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида мужассам этган Конституциямиз халқаро ташкилотлар ва экспертлар томонидан эътироф этилганлиги эса мустақил давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини оширмақда ва мустаҳкамламоқда.

Хусусан, Бельгияда жойлашган Маъмурий фанлар халқаро институтининг бош директори Роле Лоретан Ўзбекистон Конституциясини қуйидагича эътироф этган: «Дунёнинг демократик мамлакатлари конституциялари сингари Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни ҳам давлатнинг ривожланишидаги муҳим ва фундаментал асос ҳисобланади. У барча соҳанинг сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан муваффақият билан ривожланиши заминини мустаҳкамлади. Асосий Қонунда ўз ифодасини топган мазкур меъёр ва тамойиллар билан таниш бўлган мутахассис сифатида шуни ишонч билан айтишим мумкинки, у фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, адолатли сайловлар таъминланиши, фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг кафолати ҳамда мамлакат демократик тараққиётининг устувор асоси ҳисобланади».

Францияда жойлашган Конституциявий ҳуқуқ халқаро ассоциациясининг фахрий пре-

зиденти Дидье Мос шундай таъкидлайди: «Мен бир неча маротаба Ўзбекистонда бўлиб, Конституция ҳуқуқи ва парламентаризмни ўрганиш масалаларига бағишланган халқаро тадбирларда қатнашганман. Ўзбекистон Конституцияси билан батафсил танишиб, унинг ривожланган демократик давлатларнинг асосий қонунларига тўлиқ мувофиқ эканини айтишим мумкин. Унда демократик давлат қуришнинг барча асосий тамойиллари – Президентлик институти, ҳукумат, парламент, суд органларининг ваколатлари ва бошқалар ўз аксини топган. Демократиянинг универсал қадриятларига тўлиқ даражада мувофиқ бўлган инсоннинг асосий ҳуқуқлари аниқ белгиланган».

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги собиқ фавкулудда ва мухтор элчиси Жорж Крол Конституциямиз ҳақида шундай дейди: «Конституция демократик жамиятни бунёд этиш йўлидаги асосий ҳужжат саналади. Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, Конституция нафақат мамлакатнинг Асосий Қонуни, балки ҳаёт пойдевори ҳамдир.

Мамлакатда амалга оширилаётган изчил ислохотлар Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган тамойил ва қоидаларнинг ҳақиқий тимсолидир. Конституция ўзбек халқининг фахри ва тараққиётни рағбатлантирувчи омил ҳисобланади».

Конституциянинг қабул қилиниши давлат ва жамият қурилиши жабҳаларидаги муносабатларни, миллий қонунчиликнинг барча соҳаларини тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий тизимни ташкил этди. Асосий Қонунни амалга оширишнинг яхлит ҳуқуқий механизмини яратди. Унинг самарадорлигини вақт ўзи кўрсатиб турибди ва бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Шундай экан, жамиятимиз ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, уни амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

**Б. УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий суди  
катта консултанти

## КОРРУПЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ, ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД ТУҒДИРУВЧИ ЖИНОЯТ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан кўзланган асосий мақсад юрти- мизда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада ошириш, энг юқори даражадаги қулай инвестициявий ва ишби- лармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имижини оши- риш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қо- нуни, Ўзбекистон Республикаси Президен- тининг 2017 йил 2 мартда «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Рес- публикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қа- рори қабул қилинди.

2021 йил 6 июлда Ўзбекистон Респуб- ликаси Президентининг «Коррупцияга қар- ши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида кор- рупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кен- гайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сонли Фармони ҳамда «Коррупци- яга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбир- лар тўғрисида»ги ПҚ-5177-сонли Қарори қа- бул қилиниб, уларга кўра, коррупцияга қар- ши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича

бир қанча чора-тадбирлар белгиланди.

Мазкур Қарорга асосан, 2021 йил 1 сен- тябрдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқа- руви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларда ишга қабул қилиш очиқ танлов асосида амалга оширилади. Шунингдек, ўтказиладиган синов тадбирла- рини Интернет орқали реал вақт режимида кузатиш таъминланади.

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча дав- лат ташкилотлари, шу жумладан, Қорақал- поғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари- да коррупцияга қарши ички назорат тузил- малари ташкил этилиши белгиланди. Улар коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шаро- итларини бартараф этиш, манфаатлар тўқна- шувида йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллан- тириш чораларини кўриш учун масъул ҳи- собланиши кўрсатиб ўтилди.

Қарорга асосан қуйидагилар жорий эти- лиши белгиланди:

**биринчидан**, 2021 йил 1 августдан бош- лаб давлат харидлари соҳасида ўтказилаёт- ган тендер (танлаш) натижаларини мажбу- рий тарзда очиқ эълон қилиш;

**иккинчидан**, 2021 йил 1 октябрга қадар — бюджет ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳамда давлат ташкилотлари маблағлари ҳи- собидан қурилиш-пудрат шартномаси учун ўтказиладиган тендер (танлаш)ни «Шаффоф

қурилиш» миллий ахборот тизимининг маълумот алмашинувини таъминлаган ҳолда давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида электрон тарзда ўтказиш;

**учинчидан**, 2021 йил 1 декабрдан бошлаб – ҳар йил якуни бўйича барча давлат ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳоловчи рейтингни эълон қилиш;

**тўртинчидан**, 2022 йил 1 январдан бошлаб – «ҳалоллик вакцинаси» тамойили асосида давлат хизматчиларини мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда ўқитиш тизими;

**бешинчидан**, 2021 йил 1 декабрдан бошлаб – харид комиссиясининг маълумотлар ҳаққонийлигини текшириш ва иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш ваколатлари бекор қилинади;

**олтинчидан**, 2022 йил 1 январга қадар мутасадди вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси билан Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали интеграциялашган Коррупциявий хавфларни баҳолаш электрон тизими шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида суд тизимида коррупцияни бартараф этиш юзасидан ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмлар жорий этилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 30 августдаги РС-30-17-сонли қарорига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларининг одил судловни амалга оширишдаги ва суд ходимларининг хизмат вазифаларини бажаришдаги фаолияти давомида муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик учун ҳақ (пора) таклиф қилинганлиги тўғрисида хабар бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби» қабул қилинган.

Мазкур тартиб «Судлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Судьялар одоб-ахлоқи қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қуйи судлар, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг касб ва одоб-ахлоқ қоидалари талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларининг одил судловни амалга оширишдаги ва суд ходимларининг хизмат вазифаларини бажаришдаги фаолияти давомида муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик учун ҳақ (пора) таклиф қилинганлиги тўғрисида хабар бериш ва уни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Тартибнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қуйи судларнинг судьялари ва суд ходимларини, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимларининг ходимларини ўз хизмат бурчига садоқатлилик руҳида тарбиялаш, суднинг ва ўз ҳамкасбларининг обрўсига путур етказадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан ўзини тийишга чорлаш, пора таклиф қилишга имкон берувчи шароитларни яратишга йўл қўймаслик ҳамда жамиятда порахўрлик иллатини йўқотишга кўмаклашишдан иборатдир.

Судья ва суд ходимлари суд мажлисида иштирок этувчи шахслар, фуқаролар ва ташкилотларнинг ходимлари билан ўзаро муносабатларида уларнинг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигини шубҳа остига қўядиган, шунингдек бирон-бир манфаатдорлик мавжуд деган тасаввурни ҳосил қилиши мумкин бўлган ҳолатлардан ўзларини тийишга мажбурлиги белгилаб қўйилди.

Демак, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмлар самарадорлигини ошириш учун коррупцияга қарши курашувчи ваколатли орган томонидан баҳоланиш

натижаларига асосланиб ўтказиладиган мониторинг асосида бериладиган якуний ҳулоса мажбурий тусга эга бўлишини махсус қонун ҳужжати билан белгилаб қўйилиши зарурдир. Бунинг учун эса, хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган коррупцияга қарши курашувчи ваколатли орган томонидан давлат органлари антикоррупция тадбирлари устидан мониторинг ўтказилиши ҳамда мониторинг натижаларини баҳолайдиган услубиётни республикамизда ҳам жорий этиш лозим.

### Хорижий тажриба

Коррупцияга қарши курашда муваффақиятга эришган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш мақсадида, «Transparency International» халқаро ташкилотининг 2020 йилги рейтингида энг юқори ўрин эгаллаган 7 та мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинди.

**Дания Қироллиги** давлати коррупциянинг минимал даражаси бўйича дунёдаги энг яхши учта рейтингдан бирини эгаллаган бўлиб, давлат ва тижорат секторининг ўзаро таъсири орқали коррупцияга қарши курашишда энг катта ютуқларга 2000 йиллардан бошлаб эришган.

Натижада вазирлар ва мансабдор шахслар ўзларининг мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишларининг олдини олиш мақсадида чет эл компанияларидаги ўз акцияларини сотишга мажбур бўлдилар.

Бироқ, ўтказилган бир қанча ислохотларга қарамай мамлакатда коррупция ҳолати оз бўлса ҳам сақланиб қолмоқда. Бу ҳолатлар кўпроқ Дания компанияларининг хорижий майдондаги фаолиятига боғлиқ бўлиб, давлат ва бизнес ўртасидаги коррупцияга қарши ҳамкорликнинг асосий аҳамияти халқаро савдо муаммоларига қаратилган.

**Грузиянинг** коррупцияга қарши курашиш тажрибаси ноёб ва муваффақиятли бўлиб, унинг кўп жиҳатлари бошқа мамлакатларда мослаштирилиши ва қўлланилиши мумкин.

Грузияда давлат бошқаруви тузилмасини ислох қилиш ва коррупция даражасини пайсатиришда Америка, Италия, Янги Зеландия ва Буюк Британиянинг тажрибаси асос бўлди. Шу билан бирга, ушбу вазифаларни амалга оширишда Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва USAID каби халқаро ташкилотларнинг маслаҳатчилари ва экспертлари жалб қилинди.

Грузиянинг коррупцияга қарши кураш моделининг ўзига хос хусусияти шундаки, мамлакатда коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида орган мавжуд эмас. Грузияда 2008 йилда коррупцияга қарши курашни мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича махсус Кенгаш тузилган, унга Адлия вазири раҳбарлик қилади ва адлия вазирлигининг Аналитик бўлими кенгаш котибияти вазифасини бажаради.

Кенгаш 16 та аъзодан ташкил топган, бироқ Кенгашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўзининг шахсий таркибига ва бюджетига эга эмас, Кенгаш аъзоларининг ваколатлари ҳукумат томонидан тугатилиши мумкин.

Грузиянинг коррупцияга қарши стратегияси қуйидаги устувор йўналишларни ўз ичига олган:

- самарали ва коррупциядан холи давлат сектори;
- рақобатдош ва коррупциядан холи хусусий сектор;
- адолат тизимини такомиллаштириш;
- коррупцияга қарши қонунчиликни такомиллаштириш;
- коррупциянинг олдини олиш ва сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш.

Грузияда амалга оширилган ислохотларнинг асосий натижалари:

- а) ички ишлар органларининг йўл-патруль хизмати инспекторлари 85 фоизга янгиланди ва улар сони бир неча бор қисқартирилди. Шунингдек, коррупция ҳолатларига алоқадор барча ходимлар ишдан бўшатилди



ва уларнинг аксарияти қамок жазосига ҳукм қилинди. Шу билан бир қаторда Ички ишлар органлари ролини кучайтириш дастури жорий этилди;

б) мамлакатда олиб бориладиган ислохотлар натижасида ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш байрам ва дам олиш кунларисиз 24 соат ишлайдиган хизмат кўрсатиш агентлиги томонидан амалга оширилади, автомобил-транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш 15 дақиқа ичида амалга оширилади;

в) давлат хизматига кадрларни қабул қилиш меритократия принципига мувофиқ амалга оширилди (бир-бирлари билан ҳеч қандай алоқаси, жумладан, оилавий алоқалари бўлмаган, битта университетда ўқимаган ва ҳ.к.);

г) солиқ тизимида эса, 25 та солиқ органлари қисқартирилиб, фақатгина 6 та солиқ бўйича орган қодирилди. 2008 йилда божхона тўловлари қисқартирилди ва деярли бутунлай бекор қилинди, шунингдек қишлоқ хўжалиги ерларини хусусийлаштиришга рухсат бериш тўғрисида қонун қабул қилинди;

д) коррупцияга қарши курашишда жуда қаттиқ чоралар кўрилди. Масалан, нафақат коррупция ҳуқуқбузарлиги учун, балки пора талаб қилган ёки таклиф қилаётган шахслар учун ҳам жиноий жазо кучайтирилди;

ж) коррупцияга қарши стратегияни амалга оширишда аҳолини кенг доирада хабардор қилиш, телевидениеда махсус видеофильмларни намойиш этиш ва фуқароларни коррупцияга қарши курашда иштирок этишга жалб қилинди.

**Жанубий Кореяда** 2020 йил 15 июлда «Юқори мартабали мансабдор шахслар ўртасида коррупцияни тергов қилиш бошқармасини ташкил этиш ва унинг фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Ушбу Қонунга асосан, юқори лавозимда ишлаб келадиган амалдорларга қарши шикоятларни текшириш юзасидан Коррупци-

яга қарши тергов бошқармаси (Corruption Investigation Office – CIO) ташкил этилди.

Коррупцияга қарши тергов бошқармаси мансабдор шахслар томонидан содир этилган коррупциявий жиноятлар терговини амалга оширади.

Шунингдек, бошқарма қуйидагилар юзасидан суриштирувни амалга оширади:

- Корея Жиноят кодекси (ЖК)нинг 122-133-моддаларида назарда тутилган, мансабдор шахсларнинг вазифаларини бажариш билан боғлиқ жиноятлар (пора олиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, расмий сирларни хусусий компанияларга ошкор қилиш);

- ЖКнинг 144, 225, 227, 227<sup>2</sup>, 229-моддаларида назарда тутилган мансаб сохтакорлиги ҳамда ҳужжатларни қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноятлар;

- ЖКнинг 355, 357, 359-моддаларида назарда тутилган ўғирлик ва мансабга совуққонлик билан қараш жиноятлари;

- «Адвокатлар тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган воситачилик учун пора олиш ва бошқа жиноятлар.

Коррупцияга қарши тергов бошқармаси фақат тергов олиб боради ва тўпланган маълумотларни прокуратура органларига юборади.

Коррупцияга қарши тергов бошқармаси бошлиғи Президент томонидан тайинланади ва унинг таркибига 25 нафар прокурор ҳамда 40 нафардан кўп бўлмаган терговчилар киради.

Жанубий Кореяда коррупцияга қарши тергов бошқармасини яратиш жараёни 20 йилдан ортиқ давом этган. Бундай органни ташкил этиш бўйича биринчи қонунчилик ташаббуси 1996 йилда пайдо бўлган.

**Бразилияда** 2013 йилда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган бўлиб, ушбу Қонун юридик шахслар (компаниялар, корхоналар)ни уларнинг ходимларини коррупцияга оид хатти-ҳаракатларни содир этганлиги учун жазолашни назарда тутди.

Голландияда ҳам Данияда бўлгани каби коррупцияга қарши кураш самарали йўлга қўйилган. Мамлакатда коррупция ҳолатларини аниқлаш бўйича муҳим ваколатларга эга «Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат хавфсизлиги» тизими яратилган.

Жумладан, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тадбирлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳар йили аниқланган коррупция фактлари ва коррупцияга алоқадор шахсларни жазолаш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида парламентга ҳисобот тақдим этиш;

- коррупция ҳаракатини содир этганлик учун асосий жазо тури сифатида ижтимоий нафақаларни тўхтатган ҳолда давлат ташкилотларида ишлашни тақиқлаш;

- коррупция ҳаракатини содир этганлик учун жарима тўлаш ва вақтинчалик хизматдан четлаштириш;

- коррупция нуқтаи назаридан хавфли бўлган лавозимларга шахсларни танлашни ташкил этиш;

- коррупция жиноятларига оид барча материалларни жамоатчилик муҳокамасига етказиш (миллий хавфсизлик тизимида таъсир қилувчи ҳолатлар бундан мустасно);

- мансабдор шахсларни коррупциянинг зарарини тушунтириш бўйича махсус ўқув курсларида ўқитиш;

2020 йилги коррупцияни қабул қилиш рейтингда Голландия дунё бўйича 9-ўринни эгаллаган.

**Германия Федератив Республикасида** кўп йиллардан буён давлат органларида коррупцияни олдини олиш учун ротация амалга оширилмоқда. Германия қонунчилигида коррупцияга мойил бўлган лавозимларда ишлайдиган давлат хизматчиларини ротация қилиш назарда тутилган. Бундай лавозимларда хизмат муддати 5 йил қилиб белгиланган.

Мамлакатда назорат гуруҳлари иштирокида ротация жорий этилиши билан коррупция даражаси камайганлигини тасдиқлаган тажриба ўтказилди.

**Россия Федерациясида** «Тасодифий коррупция ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди.

Ушбу қонун лойиҳасида, агар коррупцияга қарши нормалар инсон назорати остида бўлмаган ташқи ҳолатлар натижасида бузилган бўлса, у ҳолда шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин деб белгиланди. Жумладан, лойиҳада мансабдор шахсларни, прокурорларни, ҳарбий хизматчиларни ва бошқа тоифадаги фуқароларни коррупцияга қарши нормаларни бузганлик учун, агар бу давлат хизматчиларига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли содир этилган бўлса, жазодан озод қилиниши белгиланди.

Шунингдек, «Россия Федерациясининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини такомиллаштириш бўйича ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни биринчи ўқишда маъқулланди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатга берилган тушунтириш хатида: агар чеклашлар ва тақиқларга риоя қилмаслик унга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар оқибати деб тан олинса, коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунларни бузганлиги учун жисмоний шахслар жавобгарликдан озод қилиниши кўрсатилди.

Шунингдек, белгиланган чекловларга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган, унга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар тугатилган кундан бошлаб, қонунбузарликларни бартараф этиш учун шахсларга бир ой муддат берилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, коррупция – тараққиёт кушандаси, хавфсизликка таҳдид туғдирувчи хавfli жиноят. Бу иллатга қарши курашиш тегишли органларнинггина эмас, барчанинг иши бўлиши зарур. Шундагина биз ушбу хавфни бартараф этган бўламиз.

**Б. БАХРИНОВ,  
Ш. ГАЙБЕРДИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди катта консултантлари**

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ – МИЛЛИЙ, ХАЛҚАРО ВА ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ

Коррупция – давлат ва жамиятнинг ривожига, халқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавфдир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг турли соҳаларига, хусусан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ривожланишига жиддий путур етказиш билан бир қаторда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис, унга қарши кураш халқро аҳамият касб этиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалалари қаторидан жой олган.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли Фармони асосида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида Коррупцияга қарши кураш Агентлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупция-

га қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сонли Фармони билан «Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестри» юритилиши ҳамда 2022 йил 1 январдан давлат хизматчилари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тизими жорий этилиши белгиланди.

Шунингдек, жорий йилнинг 4 декабрь куни Қонунчилик палатасида «Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Маълум қилинишича, мансабдор шахсларнинг жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 2018 йилда 556 млрд сўм, 2019 йилда 1,858 трлн сўм, 2020 йилда 500,1 млрд сўм, 2021 йилнинг 9 ойида 658 млрд сўм моддий зарар етказилган<sup>1</sup>. Ушбу Қонун билан 16 турдаги жиноятларни коррупцияга оид жиноятлар сифатида белгилаш назарда тутилмоқда.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда бу каби коррупцияга қарши курашишга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилиши натижасида Transparency

International халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган «Коррупцияни қабул қилиш индекси»да мамлакатимиз 180 та давлат орасида 2019 йилда 153-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йилда 146-ўринни эгаллаб, 7 поғонага кўтарилди<sup>2</sup>.

Жаҳон одил судлов лойиҳаси халқаро ноҳукумат ташкилотининг Ҳуқуқ устуворлиги индексидаги «Коррупциядан холилик» индикаторида (Absence of Corruption) мамлакатимиз 2020 йил бўйича 128 давлат орасида 0,40 балл билан 89-ўринни эгаллаган бўлса, 2021 йилда 139 давлат орасида 0,46 балл билан 70-ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич билан мамлакатимиз 2020 йилдаги 89-ўридан 19 поғонага юқорилаган<sup>3</sup>.

Бундан ташқари, 2020 йилнинг декабрь ойида «Open Data Watch» халқаро нотижорат ташкилоти томонидан эълон қилинган очик маълумотлар рейтингда Ўзбекистон 63 балл билан жаҳон бўйича 187 мамлакат орасидан 44-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади<sup>4</sup>.

Халқаро ташкилотлар рейтингларидаги бундай кўрсаткичлар мамлакатимизда коррупцияга қарши тизимли олиб борилаётган ислохотларнинг самарасидир.

Афсуски, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишлари доимий равишда олиб борилишига қармасдан, коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги маълумотларига кўра, судлар томонидан 2020 йил давомида коррупция билан боғлиқ (Жиноят кодексининг 205-214,

243-моддалари) жами 2 270 нафар шахсга нисбатан 1 502 та жиноят иши кўриб чиқилган. Шундан 2 203 нафар шахсга нисбатан 1 457 та жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилган<sup>5</sup>.

2021 йилнинг 6 ойи мобайнида 2544 нафар мансабдор шахсга нисбатан коррупция ҳолатлари билан боғлиқ бўлган 1676 та жиноят иши тергов қилиниб, судларга юборилган<sup>6</sup>.

Ушбу маълумотлар бу иллатга қарши жиддий ва мурасасиз курашни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Айтиш жоизки, коррупцияга қарши курашиш зарурати халқаро миқёсда ҳам устувор йўналиш сифатида белгиланган. Жумладан, ушбу иллатга халқаро миқёсда курашишга доир ҳуқуқий асослар қатор халқаро ҳуқуқий нормаларда ўз ифодасини топган.

Хусусан, 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси, 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси, 1999 йил 27 январдаги Европа Кенгашининг «Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги Конвенцияси, 1999 йил 4 ноябрдаги «Коррупция учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида»ги Конвенцияси ва бошқалар.

Ўзбекистон юқоридаги халқаро ҳужжатлардан 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси, шунингдек 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул Ҳаракат режасини ратификация қилган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, аксарият мамлакат-

ларда давлат органлари ва ташкилотларида юқори даражада шаффофликни ва яхлитликни таъминлаш орқали коррупцияга қарши курашда юқори натижага эришилган.

Масалан, Янги Зеландия, Данияда барча давлат муассасалари ва аксарият хусусий компанияларида юқори даражадаги шаффофлик мавжуд. Улар фаолиятлари тўғрисида катта ҳажмдаги маълумотларни тақдим этувчи интернет сайтларнинг мунтазам янгиланиши маълумотларнинг жамоатчиликка очик бўлишини таъминлайди. Дания Халқаро Тараққиёт Агентлиги фаол равишда коррупцияга қарши мурасасизлик, яъни ташкилот доирасида ва ташқи ҳамкорлар билан ҳамкорлик жараёнида коррупциянинг ҳар қандай намоён бўлишига йўл қўймаслик сиёсатини олиб бормоқда.

Мурасасизлик сиёсатининг бир қисми сифатида коррупцияга қарши қоидалар барча компаниялар томонидан шартнома ва келишувларга киритилади ва бу талабларга риоя қилмаслик шартномани бекор қилиш, шунингдек ҳамкорлик қилишдан бош тортишга олиб келиши мумкин.

Индонезияда ёшларни коррупцияга қарши мурасасиз муносабатини шакллантириш мақсадида ихтиёрий равишда коррупцияга қарши кураш курслари мактаблар ҳамда университетларнинг ўқув дастурларига киритилади ва факультатив равишда олиб борилади.

Германияда кўп йиллардан буён давлат органларида коррупциянинг олдини олиш учун ротация амалга оширилмоқда. Германия қонунчилигида коррупцияга мойил бўлган лавозимларда ишлайдиган давлат хизматчиларини ротация қилиш назарда тутилган.

Корея Республикасида коррупцияга қарши курашиш бўйича фақат Президент олдида ҳисобдор бўлган мустақил

комиссия (ингл. Anti-Corruption and Civil Rights Comission) ташкил этилган бўлиб, ушбу комиссия мамлакатда антикоррупцион сиёсатни мувофиқлаштиради, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, коррупциявий хавф-хатарлардан хабардор этиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, антикоррупцион дастурларнинг амалга оширилиши юзасидан даврий ҳисоботлар тақдим этиш ва бошқа бир қатор вазифаларни бажаради.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашишда 1999 йил Сеул шаҳри мэри Гох Кун буйруғи билан коррупцияга қарши кураш бўйича махсус электрон «OPEN» дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастур орқали фуқаролар исталган вақтда интернет орқали мурожаатлари бўйича амалдорлар томонидан ҳужжатларини кўриб чиқиш жараёнини кузатиши мумкин.

Шунингдек, дастурда фуқаролар мурожаатлари, рухсатномалар ва санкциялар масаласида коррупция эҳтимоли юқори бўлган ҳолатларда уларни амалдорлар томонидан қандай ҳал қилинаётганлигини кузатиши ва агар ушбу жараёнларда қонунбузарликка йўл қўйиладиган бўлса, ўз норозиликларини билдириши мумкин.

Ушбу интернет дастури, коррупцияга қарши ҳокимият органларининг фаолияти, фуқаролар ва мамлакат манфаатларига ҳалол хизмат қилишда ўзига хос йўл бўлди<sup>7</sup>.

Сингапурда коррупцияга қарши курашишда куйидаги йўналишларни қўллаган ҳолда юқори натижаларга эришилган:

- давлат томонидан бюрократик тартибларни сезиларли даражада соддалаштириш;
- давлат лавозимларини эгаллаган

шахсларни мажбурий равишда ротация қилиш;

– давлат органлари фаолияти тартибни соддалаштириш;

– фуқаролар ҳар бир коррупция ҳолати тўғрисида эркин ва ошқора маълумот берадиган оммавий ахборот воситаларининг мустақил равишда ишлашини таъминлаш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда доимий равишда коррупцияга қарши курашиш борасида чора-тадбирларни такомиллаштириб бориш юзасидан қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

– мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни коррупцияга қарши мурасасизлик руҳида камол топиши учун мактаблар ва университетларнинг ўқув дастурларига қисқа ўқув соатларини киритиш орқали ушбу иллатнинг жамиятга салбий таъсири ва унга қарши кураш бўйича тушунчалар бериб бориш;

– давлат хизматларини кўрсатишда электрон онлайн хизматлар турини янада кенгайтириш лозим. Бу фуқароларнинг ортиқча овозгарчилигини олдини олиш билан бир қаторда, коррупциянинг олдини олишда ижобий натижасини беради;

– коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда жамоатчилик назоратини кучайтириш. Жамоатчилик назоратини ошириш, сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллиги ва фаоллигини ошириш коррупция даражасининг пасайишига сезиларли таъсир кўрсатади.

**Р. НУРМАТОВ,  
Ш.МИРЗАЕВ,  
Адлия вазирлиги  
ҳузуридаги  
Ҳуқуқий сиёсат  
тадқиқот институти  
масъул ходимлари**

<sup>1</sup><https://kun.uz/news/2021/12/06/9-oyda-mansabdorlarning-jinoyati-oqibatidavlat-va-jamiyat-manfaatiga-658-mlrd-som-moddiy-zarar-yetkazilgan>.

<sup>2</sup><https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/uzb>

<sup>3</sup><https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/country/2021/Uzbekistan/Absence%20of%20Corruption/>

<sup>4</sup><https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/09/24/korruptsiyaga-qarshi-kurashish-agentligi-direktori-aburkhanovning-ozbekiston-respublikasining-millij-manfaatlarigava-khalqaro-imidzhiga-zarar-etkazuvchi-zhinoyatlarni-tergov-qilish-natizhalarini-kompleks-tahlil-etish-togrisidagi-akhboroti>

<sup>5</sup><https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/04/20/2020-yilda-sodir-etilgan-korrupsiyaviy-jinoyatlar-statistikasi>

<sup>6</sup><https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/09/24/korruptsiyaga-qarshi-kurashish-agentligi-direktori-aburkhanovning-ozbekiston-respublikasining-millij-manfaatlarigava-khalqaro-imidzhiga-zarar-etkazuvchi-zhinoyatlarni-tergov-qilish-natizhalarini-kompleks-tahlil-etish-togrisidagi-akhboroti>

<sup>7</sup><http://hudud24.uz/janubiy-koreyaning-open-dasturi-korruptsiya-bilan-%d2%9burashishda-%d2%9banchalik-samarali/>

## МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ СУД ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Ҳар қандай мамлакат демократик ҳуқуқий давлат сифатида шаклланишининг асосий белгиларидан бири – бу бугунги кунда жамиятда одил судлов ўрни ва ролининг сезиларли даражада ошиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳам дунёнинг сиёсий харитасида ўзига мос бўлган ўрнини эгаллашга ҳаракат қилар экан, ривожланган демократик ҳуқуқий давлатларнинг барча талабларига жавоб беришга тайёр бўлиши зарур.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сонли Фармонининг 1-бандида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланган<sup>1</sup>.

Суд ҳокимияти XXI асрда принципиал жиҳатдан бошқача бўлиб, жамиятни ривожлантиришнинг алоҳида кафолати бўлиб хизмат қилади<sup>2</sup>.

Одил судловни амалга оширишнинг самарадорлиги жамият ривожланишининг ва асосий вазифаси ҳар бир инсон

муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўлган давлат фаолият юритишининг зарур шарт ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ҳамда фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашишда, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, қолаверса, қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришда суд ҳокимияти алоҳида ўрин тутаяди. Шунинг учун ҳам жамиятда суд органларининг нуфузини ошириш, судьяларнинг чинакам мустақиллигини ва фақат қонунларга асосланиб иш юритишини таъминлаш мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришдаги муҳим шартлардан бири ҳисобланади<sup>3</sup>.

1990-2000 йилларда мамлакатимизда судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бироқ, мамлакатимиз ривожланишининг бугунги босқичида кўп сонли давлат органлари, ташкилотларининг ва жойларда бошқарув органларининг

ташқил этилиши ҳамда улар мансабдор шахсларнинг тайинланиши, шунингдек улар томонидан ўзига юклатилган вазифа ва функцияларнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви механизми шаклланимуда.

Ушбу давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқароси ҳаётида намоён бўладиган ҳамда у ёки бу даражада таъсир кўрсатадиган турли қарорларни чиқаримуда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилимуда, амалий чораларни амалга оширимуда.

Умумий қоидага кўра, Ўзбекистон Республикаси номидан қарорларни қабул қилувчи ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари номидан ҳокимият ваколатларини амалга оширувчи мансабдор шахслар ўзларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) адолатлилиги ҳамда сифати учун муайян жавобгарликка эга бўлишлари лозим. Бундай қарорлар ёки ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) оддий фуқаролар ҳаётида ижобий равишда таъсир қилган ҳолатлар, албатта, қувонарли бўлиб, бироқ минг афсуски ҳар доим ҳам бундай ҳолат кузатилмайди.

Айрим ҳолларда ҳокимият ваколатига эга бўлган шахслар қонун талабларига риоя қилмайди, жавобгарликни эсдан чиқариб қўйган ҳолда ўзи билганича ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қилади ёки бошқа ғаразли мақсадларни кўзлаб ўз фаолиятини амалга оширади. Бундай шахслар қонунлар амал қиладиган ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири – бу фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш имконияти мавжудлиги эканлигини эсдан чиқаришади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий

давлат ҳисобланишини таъкидлаган ҳолда, мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, биринчи навбатда, суд ҳимоясида бўлиш орқали тикланишини айтиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида суд ҳокимиятини амалга оширишнинг бешта шакли, яъни конституциявий, фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд иш юритуви шакллари белгилаб қўйилган.

Мазкур таҳрирда «суд иш юритуви» тушунчаси суд ҳокимиятини амалга ошириш шакли ёки усули сифатида тушунилади. Тор маънода «суд иш юритуви» тушунчаси аниқ процессуал кодекснинг (Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси) амал қилиш соҳасидан келиб чиқиб, судлар томонидан ишларни кўриб чиқиш тартибини англатади.

Маъмурий судлов назорати суд иш юритувининг бошқа шакллари билан ўзаро алоқага киришар экан, давлат ва жамиятни оммавий ҳокимият органларининг ғайриқонуний қарорларидан, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан ҳимоя қилишда тўлақонли самарали механизмни шакллантиради.

Таъкидлаш керакки, 2018 йилга қадар судлар томонидан маъмурий суд иш юритувини амалга оширишнинг процессуал тартибини белгиловчи яхлит бир ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлмаган. Маъмурий суд иш юритуви фуқаролик ишлари бўйича судлар ёки хўжалик судлари томонидан Фуқаролик процессуал кодекси ёки Хўжалик процессуал кодекси асосида амалга оширилган.



Давлат органлари ва ташкилотлари, улар мансабдор шахсларнинг қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоят ва аризалар тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлганда фуқаролик ишлари бўйича судлар, тарафлар юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркор бўлганда эса, хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилган.

Мамлакатимизда маъмурий суд иш юритувини амалга оширувчи субъект сифатида маъмурий судларни ташкил этиш зарурати 2000 йиллардан муҳокама қилиб келинган бўлса-да, амалда мазкур ислохот ўн йилларга қолдирилиб келинган. Маъмурий суд иш юритувининг амалий муаммолари ўша даврларда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида янада кўпайиб борган бўлса-да, Ўзбекистонда мазкур институтнинг айнан қайси моделини танлаш бўйича муҳокамалар узоқ йиллар давом этган<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маъмурий судларни ташкил этишнинг назарда тутилиши ҳам айнан суднинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, ишларни кўришнинг сифатини ошириш, пировардида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сонли ҳамда 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти сама-

радорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сонли фармонлари маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш бўйича конституциявий нормани ҳаётга татбиқ этиш ҳамда маъмурий судлар тизимини яратиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сонли Фармони билан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган янги суд тизими – маъмурий судлар тизими шакллантирилди.

2017 йил 1 июндан бошлаб мамлакатимизда илк маротаба давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

2017 йил 12 апрелда «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-428-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши эса, маъмурий судлар ташкил этилган даврда муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур Қонун билан маъмурий судларнинг Ўзбекистон Республикаси суд

тизимдаги ўрни, уларнинг ваколатлари ҳамда бундай судлар фаолият юритишининг процессуал тартиби қонун даражасида белгилаб берилди.

Жумладан, 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Суд тизими» деб номланган 1-моддасида Ўзбекистон Республикасида бошқа судлар билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари ҳамда туман (шаҳар) маъмурий судлари фаолият кўрсатиши назарда тутилди.

Мазкур Қонуннинг 37-моддаси янги тўртинчи қисм билан тўлдирилиб, туман (шаҳар) маъмурий суди давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган шикоят ва аризалар бўйича маъмурий низоларни ҳамда қонун билан унинг ваколатлари доирасига берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши кўрсатилди.

Шунингдек, 1997 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси «Маъмурий судларда суд ишларини юритиш» деб номланган 21-модда билан тўлдирилиб, унда маъмурий судларда суд ишларини юритиш фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилди.

Яъни, маъмурий судлар ташкил этилган пайтда улар фаолият юритишининг процессуал тартиби белгиланмаганлиги сабабли улар ўз ваколатига киритилган ишларни Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган процессуал тартибда кўриб чиқиши кўрсатиб ўтилди.

2018 йил 25 январда қабул қилинган Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси эса, маъмурий судлар фаолиятини тартибга солувчи яхлит ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилди.

Мазкур Кодекс билан маъмурий судларнинг давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган шикоят ва аризалар юзасидан маъмурий низоларни кўриш бўйича фаолияти процессуал жиҳатдан тартибга солинди.

Маъмурий судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш билан боғлиқ процессуал тартибот эса, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги ЎРҚ-463-сонли Қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ҳамда юқорида санаб ўтилган қонун ҳужжатлари билан Ўзбекистонда маъмурий суд иш юритуви алоҳида институт сифатида тан олинди ҳамда суд тизимида маъмурий судлар мустақил суд органи сифатида шакллантирилди.

Алоҳида маъмурий юстициянинг мавжудлиги бир қатор олимларнинг фикрича давлат хизматчилари (бюрократия)ни бошқариш ва коррупцияга қарши курашининг яхши кафолати бўлиб хизмат қилади<sup>5</sup>.

М.М.Мамасиддиқовнинг фикрича, мамлакатимизда маъмурий судларни ташкил этиш зарурати куйидаги омиллар билан ҳам белгиланади:

- жиноят қонунчилиги тобора либераллаштирилиб, айрим қонунбузарлик учун белгиланадиган жазо чоралари босқичма-босқич жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилиши;

- судларда кўрилатган фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишларига қараганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг кўпчиликини ташкил этиши;

- фуқароларнинг давлат бошқарувида оид ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш зарурати;

- давлат бошқарув органлари, улар мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, бу соҳада суд назоратини такомиллаштиришнинг талаб этилатгани<sup>6</sup>.

Ю.Н.Стариловнинг таъкидлашича, алоҳида маъмурий суд иш юритувининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги миллий суд тизимининг халқаро давлат-ҳуқуқий стандартларга, хусусан, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқнинг барча субъектлари учун самарали ва ҳаққоний одил судлов тизимига эришиш, суд ҳокимияти органларининг тегишли тузилмасини шакллантириш стандартларига мувофиқлиги кўрсаткичи ҳисобланади<sup>7</sup>.

Шунингдек, маъмурий судларнинг ўрни мамлакат иқтисодий ривожланишини таъминлашда ҳам муҳим ҳисобланади. М.Штаух мазкур судлар фаолиятининг бу жиҳатига алоҳида ўз эътиборини қаратган ҳолда маъмурий судлар, энг аввало, фаолиятнинг иқтисодий эркинлигини ҳамда бунинг натижасида узок муддатли инвестициявий мақсадларнинг ишончлилигини кафолатлашини таъкидлаган. Иқтисодиёт соҳасига тартибга солинмаган тарзда аралашадиган, аниқ чекловчи кўрсатмаларга эга бўлмаган ҳолда иқтисодий масалаларни белгилайдиган ва уларга таъсир қиладиган давлатларда чет эллик инвесторларни учратиш қийин. Уларга таяниш мумкин бўлган ҳамда мустақил судлар томонидан таъминланадиган аниқ ҳуқуқий асослар керак. Инвесторларда ҳам судларга нисба-

тан ишонч бўлиши керак. Судлар ҳар қандай таъсирлардан мустақил ҳолда ва фақат қонун нормаларига мувофиқ мазмунан қарор чиқаришларига таяниш имконияти бўлиши керак. Агар мамлакатда ҳуқуқнинг ва суд процессининг бундай кафолатлари мавжуд бўлмаса, инвесторлар инвестиция билан боғлиқ таваккалчиликка бормайди ёки инвестиция миқдорини ошира олмайди. Фақат қонунга мувофиқ қарор чиқарадиган мустақил судлар, хусусан, маъмурий судлар – бу мамлакатнинг халқаро миқёсдаги рақобатда ижобий устунлиги ҳисобланади<sup>8</sup>.

Бундан ташқари, агар давлатнинг ва судларнинг қарорлари ишончлилиқ талабларига жавоб бермайдиган бўлса, бу иқтисодиёт ва жамиятдаги ижобий ўзгаришларга ҳамда миллий корхоналарнинг ривожланишига тўсқинлик ҳисобланиши таъкидланган. Шунинг учун мамлакатда маъмурий судларнинг мавжудлиги халқаро муносабатларда «ижобий ҳуқуқат кўрсаткичи» сифатида баҳоланади<sup>9</sup>.

Ўз навбатида, таъкидлаш керакки, маъмурий суд иш юритуви тизимини ривожлантириш зарурати ҳақидаги масала бўйича баҳslashув Россия Федерацияси Президенти В.В.Путиннинг «Демократия ва давлат сифати» деб номланган мақоласида ҳам ўз ифодасини топган.

Россия Федерацияси Президенти В.В.Путин мазкур мақоланинг «Суд тизими ривожланиши ҳақида» деб номланган бўлимида «Биз фуқаролар учун одил судловга эришиш даражасини оширамиз. Шу жумладан, маъмурий суд иш юритувини нафақат бизнес учун, балки фуқаролар билан мансабор шахслар ўртасидаги махсус низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун ҳам амалиётга киритамиз. Маъмурий суд иш юритуви амалиётининг моҳияти ва мазмуни фуқаро низолашилаётган мансабдор шахсга нисбатан заиф ҳисобланишидан келиб

чиқади. Исботлаш мажбурияти фуқарога эмас, балки маъмурий органга юклатилди. Шу сабабли, маъмурий суд иш юритуви амалиёти азалдан фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳисобланади»<sup>10</sup>.

Умуман олганда, мамлакатда маъмурий судларнинг ташкил этилиши, биринчидан, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини мансабдор шахслар томонидан айрим ҳолларда содир этиладиган ўзбошимчалигидан ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлса, иккинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари қарорларининг ёки мансабдор шахслар ҳаракатларининг (ҳаракатсизлиги) барқарорлиги, қонунийлиги ва асослантирилганлигини таъминлайди.

Шу нуктаи назардан маъмурий судларнинг асосий мақсади бўлиб барқарорлик, қонунийлик ва асослантирилганликни бундай таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш ҳисобланади.

Юртимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши – бу давлат ҳокимияти билан фуқаро ўртасидаги ўзаро муносабатни лозим даражада сақлаш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий судлар алоҳида ихтисослаштирилган суд сифатида ташкил этилган бўлиб, суд тизимида ўзининг алоҳида ўрнига эга.

Кези келганда, судларнинг ихтисослиги бўйича ташкил этиш амалиёти буюк бобокалонларимиз томонидан бир неча асрлар аввал жорий қилинганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, Соҳибкирон Амир Темур даврида мамлакатда адолатни қарор топтириш учун алоҳида муассаса – «Адолат девони» хизмат қилган. Судлов ишлари қозилар томонидан амалга оширилган бўлиб, ҳар бир шаҳарда «Дорул-адолат», яъни қозихоналар фаолият юритган.

Ўша даврда қозилар тўрт тоифага бўлинган. Биринчи тоифа – Қози-аскар бўлиб, у лашкар, сипоҳлар қозиси бўлиб ҳисобланган. Иккинчи тоифа – урф-одатлар билан боғлиқ ишларни кўрувчи Аҳдос қозиси бўлган. Учинчи тоифа – руҳонийлар билан боғлиқ ишларни кўрувчи Шайх-ул ислом бўлса, тўртинчи тоифа – аслзодалар билан боғлиқ ишларни кўрувчи Ихдом қозиси ҳисобланган. Бутун мамлакат бўйича қозилар фаолиятини назорат қилиш вазифаси эса Қозикалонга юклатилган.

Юртимизда маъмурий судларнинг алоҳида ихтисослаштирилган суд сифатида ташкил этилишида халқаро илғор тажрибадан фойдаланиш билан бир қаторда мамлакатимизнинг ўзига хос давлат-ҳуқуқий тузилиши ва ҳуқуқий-тарихий анъаналари инобатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6034-сонли Фармонида мамлакатимиз суд тизимида маъмурий судларни ихтисослаштирилган суд сифатида сақлаб қолинганлиги маъмурий суд иш юритуви институтининг алоҳида ўрнини яққол кўрсатиб беради.

Мазкур Фармон билан 2021 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича судлар, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилган бўлса-да, вилоят миқёсидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари суд тизимида алоҳида ихтисослаштирилган суд сифатида сақлаб қолинган.

Шу билан бирга туман (шаҳар) маъмурий судлари тугатилиб, маъмурий ва

бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлари ташкил этилган.

2021 йил 28 июлда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Суд тизими» деб номланган 2-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикасида суд тизимида вилоят миқёсидаги Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, шунингдек туман даражасидаги туманлараро маъмурий судлари мавжудлиги кўрсатилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда маъмурий судларнинг алоҳида ихтисослаштирилган

суд сифатида ташкил этилиши бу борадаги хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мувофиқ келиши билан бир қаторда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида кафолатланган ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқларини амалга оширишда қулай ҳуқуқий механизм бўлиб хизмат қилади.

**Ш. БАКАЕВ,**  
**Тошкент давлат**  
**юримдик университети**  
**мустақил тадқиқотчиси**

<sup>1</sup> <https://lex.uz>.

<sup>2</sup> Лебедев В. М. Проблемы становления и развития судебной власти в Российской Федерации: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2000. – С. 3.

<sup>3</sup> Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси маъмурий суд ишларини юримишнинг манбаи сифатида. // [https://constitution.uz/uz/pages/mamuriy\\_sud\\_ishlari](https://constitution.uz/uz/pages/mamuriy_sud_ishlari).

<sup>4</sup> Астанов М. Марипова С. Один год новому Кодексу: достижения, проблемы, рассуждения // Адвокат, 2018. - № 5-6. – С. 60-64.

<sup>5</sup> Зеленцов А.Б. Теоретические основы правового спора: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2005. – С. 42.; Шмелов И.В. Об определении института административной юстиции // Молодой ученый. 2011. № 3. Т.2. – С. 59-64; Старилов Ю.Н. Административная юстиция. Воронеж, 1998. – С. 97.; Гаджиев Г.А., Гаджиев А.Г. Общие принципы судебного нормоконтроля: монография. М., 2006. – С 157.

<sup>6</sup> Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси маъмурий суд ишларини юримишнинг манбаи сифатида. // [https://constitution.uz/uz/pages/mamuriy\\_sud\\_ishlari](https://constitution.uz/uz/pages/mamuriy_sud_ishlari).

<sup>7</sup> Старилов Ю.Н. Административная юстиция. Теория, история, перспективы. М.: НОРМА, 2001. – С. 124-125.

<sup>8</sup> Штаух М. Задачи административного судопроизводства в современном государстве – функции, основополагающие принципы, основные типы производства и качественные стандарты правовой защиты // Административное судопроизводство: Проблемы и перспективы развития. Материалы межд. научно-практич. конф. Астана, 2005.

<sup>9</sup> Шу жойда.

<sup>10</sup> Путин В. В. Демократия и качество государства / В. В. Путин // Коммерсантъ. – 2012. – 6 февр.

## ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ТЕХНИК-КРИМИНАЛИСТИК ВОСИТАЛАРИ

Амалиётда тергов қилинаётган жиноят ишларининг аксариятида ҳодиса жойини кўздан кечириш энг дастлабки тергов ҳаракати ҳисобланади. Чунки, айнан шу ҳаракат замон ва макон хусусиятларига кўра жиноят ҳодисаси ва ҳолатига яқиндир. Бу эса, ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг муҳим эканини кўрсатади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 16-боби тўлиқлигича кўздан кечиришга бағишланган.

Бир қатор соҳа мутахассислари ўз асарларида «ҳодиса содир этилган жойда кўп ҳолларда моддий из ва бошқа ашёвий далил сифатида жиноятчининг излари қолади. Бу изларни ва бошқа ашёвий далилларни қидириб топиш ва уларни процессуал қонун асосида ишга кўшиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу ашёвий далиллар тўплангандан кейин терговчи содир этилган жиноятни очиш учун керакли маълумотларга эга бўлади. Ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечиришда тўпланган ашёвий далиллар терговчига жиноятни очиш ва тергов ҳаракатларини олиб бориш имкониятини беради»<sup>1</sup>, дея таъкидлайдилар. Шунингдек, А. Закурлаев ва К. Махмудов ҳам «ҳодиса жойини кўздан кечириш ишга тааллуқли жиноят изларини топиш, қайд этиш, тадқиқ этиш ва олиш мақсадида ўтказиладиган, ўтган ҳодиса характерини ва ишга тегишли бошқа ҳолатларни аниқлашдан иборат, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатидир»<sup>2</sup>, деб ёзадилар.

Замонавий шароитларда ҳодиса жойини кўздан кечиришда, жиноят излари ва объектларини, шунингдек криминалистик аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумот-

ларни аниқлаш, қайд этиш ва олишнинг тўлиқлиги ва сифатли амалга оширишни фақат техник-криминалистик воситалардан фойдаланибгина таъминлаш мумкин. Шу боис, терговчи (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд), мутахассис-криминалистнинг вазифаси бу воситалар комплекс тарзда қўлланилишидан иборат бўлади, натижада кўздан кечиришнинг самарадорлиги ва бинобарин, жиноятни тергов қилиш самарадорлигини таъминлашга имкон яратилади.

«Техник-криминалистик таъминот» тушунчаси тор ва кенг маъноларда жуда кўплаб криминалист-олимлар томонидан кўриб чиқилган<sup>3, 4, 5, 6</sup>. Жумладан, техник-криминалистик воситалар деганда, тор маънода техник қурилмалар, мосламалар, асбоб-ускуналар ва материаллар<sup>7</sup>, кенг маънода эса, бундай техник воситаларни қўллаш методлари (усуллари ва йўллари) тушунилади<sup>8, 9</sup>.

Республикамиз криминалист-олиmlари криминалистика фани тизимига кирувчи «криминалистик техника» тушунчасига тегишли бўлган техник-криминалистик воситалар, усуллар ва методларни ўзаро ажратиб кўрсатадилар. Масалан, А. Закурлаев ва К. Махмудов фикрича техник воситалар далилларни тадқиқ қилиш ва тўплашда ҳамда жиноятларнинг олдини олишда ишлатиладиган қурилмалардир. Ҳозирги замон криминалистик адабиётларида бу каби техник воситалар криминалистик-техник воситалар деб аталади<sup>10</sup>.

Ўзбек тилининг изоҳи луғатида қайд этилишича, «восита» сўзи «чора, тадбир,

усул, ўрта, ўртадаги» маъноларга эга бўлиб, биринчидан, бирор мақсадга эришиш ёки бирор ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб хизмат қиладиган нарса, курул; иккинчидан, умуман, бирор нарсани амалга ошириш учун хизмат қиладиган, фойдаланиладиган нарса, омил ҳамда учинчидан,

«орқали, туфайли» кабиларни билдиради. Шу боис, техник-криминалистик воситалар деганда, методларни (усулларни) ҳам тушуниш лозим, чунки восита, усул ва методлар мажмуини қўллабгина керакли натижаларга эришиш мумкин.

Т. Маматкулов, Ш. Джуманов, У. Тур-

## АННОТАЦИЯ

Мақолада республикамиз ва хорижий олимларнинг ҳодиса жойини кўздан кечириш, техник восита, техник-криминалистик восита, усул ва методлар бўйича фикрлари, шунингдек техник-криминалистик воситалар тушунчасига ёндашувлари таҳлил қилиниб, «техник-криминалистик воситалар» тушунчасини кенг маънода кўриб чиқиш лозимлиги асослантирилган. Шунингдек, махсус адабиётлардаги илмий ғояларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида техник-криминалистик воситаларни комплекс қўллаш имкониятларини етарли даражада тушуниш учун «ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг техник-криминалистик воситалари»га илмий таъриф берилган ҳамда мазкур таърифнинг аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** ҳодиса жойини кўздан кечириш, техник восита, техник-криминалистик восита, криминалистик усул ва метод, ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг техник-криминалистик воситалари.

\* \* \*

В статье, на основе изучения и анализа взглядов отечественных и зарубежных ученых по осмотру места происшествия, технических средств, криминалистических средств, методов и приемов, а также подходов к понятию технико-криминалистические средства в узком смысле, обосновано рассмотрение понятия «технико-криминалистические средства» в широком смысле. На основе научных исследований, анализа и обобщения научных идей в специализированной литературе для адекватного понимания возможностей комплексного использования технико-криминалистических средств, дано научное определение термина «технико-криминалистические средства осмотра места происшествия» и подчеркнута важность этого определения.

**Ключевые слова:** осмотр места происшествия, техническое средство, технико-криминалистическое средство, криминалистический метод, технико-криминалистические средства осмотра места происшествия.

\* \* \*

In the article, based on the study and analysis of the views of domestic and foreign scientists on the inspection of the scene, technical means, forensic means, methods and techniques, as well as approaches to the concept of technical and forensic means in a narrow sense, the consideration of the concept of «technical and forensic means» in broad sense. On the basis of scientific research, analysis and generalization of scientific ideas in specialized literature for an adequate understanding of the possibilities of complex use of forensic techniques, a scientific definition of the term «technical and forensic means of inspection of the scene» is given and the importance of this definition is emphasized.

**Key words:** inspection of the scene, technical means, technical and forensic means, forensic method, technical and forensic means of inspecting the scene.

гуновларнинг фикрича эса, криминалистик усуллар техник-криминалистик ва тактик-криминалистик усулларга бўлинади. Биринчиси, криминалистик техниканинг илмий қоидалари ёки техник-криминалистик шароитларни ишлатиш усуллари бўлса, иккинчиси, суд ва дастлабки терговни ташкил этиш ва режалаштириш, алоҳида процессуал ҳаракатларни тайёрлаш ва ўтказиш усуллари дидир. Тактик усулларни икки турга, яъни ҳаракат жараёнида қўлланиладиган (қандай бўлмасин ҳаракатларни, операцияларни амалга оширишда ишлатиладиган) ва муносабатларда қўлланиладиган (терговчи томонидан вазиятни ўз фойдасига айлантириш учун қўлланиладиган) усулларга бўлиш мумкин<sup>11</sup>. У. Носировнинг фикрига кўра, «...ҳодиса жойини кўздан кечириш учун ҳам ушбу мақсадларда махсус техник воситалар ишлаб чиқилган. Техник воситалар юқори даражада ишончли ва ҳақиқий далилларни топиш имкониятларини яратади. Бажариладиган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ушбу техник воситаларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Техник воситаларнинг биринчи гуруҳини жиноят изларини аниқлаш ва тадқиқ этиш воситалари ташкил этади. Техник воситаларнинг иккинчи гуруҳини ҳодиса жойида топилган жиноят изларини қайд этиш ва олишнинг техник воситалари ташкил этади<sup>12</sup>.

Техник-криминалистик воситалар тushунчасига тор маънода ёндашув ҳозирги замонавий шароитда етарлича аҳамият касб этмайди. Чунки, техник-криминалистик воситалар ва уларни қўллаш методларидан комплекс фойдалангандагина, ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг самарадорлигига ҳамда жиноятларнинг очиш ва олдини олиш бўйича керакли натижаларга эришиш мумкин.

«Техник-криминалистик воситалар» тushунчасини кенг маънода кўриб чиқишда

муаллифлар нафақат асбоблар, мосламалар ва бошқаларни, балки методлар, йўллар, усуллар ва методикаларни ҳам назарда тутадилар. Биз кенг маънодаги техник-криминалистик воситалар ва методларни «криминалистик технологиялар» атамаси билан номладик, бу атама келгусида кўриб чиқилади ва асосланади. Чунки, ҳозирги вақтда илмий-техник воситаларни турли хил қурилмалар, мосламалар, асбоблар, материаллар ва уларни қўллаш усуллари-нинг яхлит тизими сифатида кўриб чиқиш зарурлиги ҳақидаги фикр тобора кенг тарқалмоқда<sup>13</sup>.

Юқоридаги барча фикрларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида, техник-криминалистик воситаларни комплекс қўллаш имкониятларини етарли даражада тушуниш учун қуйидаги таърифни бериш мақсадга мувофиқдир:

«Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг техник-криминалистик воситалари ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида жиноят излари ва бошқа ашёвий далилларни аниқлаш, қайд этиш, олиш, тадқиқ қилиш, рўйхатга олиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадида махсус ишлаб чиқарилган ёки мослаштирилган асбоб-ускуналар, қурилмалар, мосламалар, материаллар, ахборот-қидирув ва бошқа тизимлар, шунингдек уларни қўллашнинг криминалистик технологиялари тизимидир».

Кўриниб турибдики ушбу таъриф тushунчалар чегараларини мантиқан ва аниқ кўрсатиб беради, назарий жиҳатдан чалкашликлардан, амалий қўлланишда эса қийинчиликлардан холи бўлишга имкон яратади, шунингдек криминалистика фани назариясининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланган махсус атамаларни тартибга солиш ва бир хиллаштириш учун муҳимдир. Тегишли органлар ихтиёрида мавжуд бўлган техник-криминалистик воситалар доимий равишда янгиланиб боради, шу



сабабли, улардан қайси бири қайси ҳолатларда энг яхши ишлатилишини ҳамда бундай ҳолатларда қандай маълумотлар олиш мумкинлигини, муайян субъект томонидан у ёки бу восита ёки методни қўллашнинг қонунийлигини билиш учун уларни тизимлаштириш зарур бўлади. Криминалистик-техник воситалар доирасининг доимий кенгайиб бориши ва жинойтларни

очиш ҳамда тергов қилишда уларни татбиқ этишнинг ортиши, криминалистик-техник воситаларни тизимлаштиришни заруратга айлантди<sup>14</sup>.

**Р. АБДУЛЛАЕВ,**  
**Тошкент давлат юридик**  
**университети ўқитувчиси**

<sup>1</sup> Криминалистика: Дарслик. 1-қисм // проф. Ф.А. Абдумажидов таҳр.ош. – Т., 2003; – б.225 (Criminology: Textbook. Part 1 // prof. G. A. Abdumajidov tahr.ost. – Т., 2003; – b.225);

<sup>2</sup> Криминалистика: Дарслик. / А.К. Закурлаев, К.О. Махмудов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. — б.472 (Criminology: Textbook. / А.К. Zakurlaev, К.О. Maxmudov. – Т.: Military-Technical Institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan, 2018. – p.472);

<sup>3</sup> Гостевский Д.Ю. Техничко-криминалистическое обеспечение производства следственных действий: дисс. канд. юрид. наук: 12.00.09 / Д.Ю.Гостевский. – Люберцы, 2010. – с.201 (Gostevsky D.Yu. Technical and forensic support for the production of investigative actions: dis. Cand. jurid. Sciences: 12.00.09 / D.Yu. Gostevsky. – Lyubertsy, 2010. – p.201);

<sup>4</sup> Ищенко Е.П. Криминалистика: учебник / Е.П.Ищенко, А.А.Топорков. – 2-е изд., испр., доп. и перераб. – М., 2010. – с.780 (Ishchenko E.P. Forensic science: textbook / E.P. Ishchenko, А.А. Toporkov. - 2nd ed., Rev., Add. and revised. – М., 2010. – p.780);

<sup>5</sup> Федоров Г.В. Криминалистические средства противодействия преступности: теоретические аспекты. – Минск, 2008. – с.185 (Fedorov G.V. Forensic means of combating crime: theoretical aspects. – Minsk, 2008. – p.185);

<sup>6</sup> Яблоков Н.П. Криминалистика в вопросах и ответах: учеб. пособие. – М., 2004. – с.221 (Yablokov N. P. Forensics in questions and answers: textbook. allowance. – М., 2004. – p.221);

<sup>7</sup> Баев О.Я. Основы криминалистики: курс лекций. – 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2003. – с.170. (Baev O. Ya. Fundamentals of forensic science: a course of lectures. - 2nd ed., Rev. and add. – М., 2003. – p.170.);

<sup>8</sup> Карлов В.Я. Использование криминалистической техники в расследовании преступлений: науч.-практ. пособие. – М., 2006. – с.9. (Karlov V.Ya. The use of forensic technology in the investigation of crimes: scientific and practical. allowance. – М., 2006. – p.9);

<sup>9</sup> Скорченко П.Т. Проблемы технико-криминалистического обеспечения досудебного уголовного процесса: дис. д-ра юрид. наук в форме науч. докл. выполняющего функцию автореф: 12.00.09. – М., 2000. – с.25. (Skorchenko P.T. Problems of technical and forensic support of pre-trial criminal process: dis. Dr. jurid. sciences in the form of scientific. report performing the function of the author's abstract: 12.00.09. – М., 2000. – p.25.);

<sup>10</sup> Криминалистика: Дарслик. / А.К. Закурлаев, К.О. Махмудов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. — б.57 (Criminology: Textbook. / А.К. Zakurlaev, К.О. Maxmudov. – Т.: Military-Technical Institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan, 2018. – p.57);

<sup>11</sup> Криминалистик тактика: Дарслик / Т.Б.Маматкулов, Ш.Т.Джуманов, У.Т.Тургунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – б.10. (Forensic tactics: Darslik / Т.В. Mamatkulov, Sh.Т. Dzhumanov, U.Т. Turgunov va bosh. – Т.: Uzbekiston Respublikasi IIV Akademiasi, 2013. – b.10.);

<sup>12</sup> Носиров У.М. Ҳодиса жойини кўздан кечириш: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – б.38-39. (Nosirov U.M. Ҳodisa joyini kўzdan kechirish: Ўқuv-amaliy kўllanma. – Т.: Uzbekiston Respublikasi IIV Akademiasi, 2014. – б.38-39.);

<sup>13</sup> Грамович, Г.И. Криминалистическая техника: научные, правовые, методологические, организационные основы. – Минск, 2004. – с.53. (Gramovich, G.I. Forensic technology: scientific, legal, methodological, organizational foundations. – Minsk, 2004. – p.53).

<sup>14</sup>Криминалистика: Дарслик. / А.К. Закурлаев, К.О. Махмудов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. — б.58 (Criminology: Textbook. / А.К. Zakurlaev, К.О. Maxmudov. – Т.: Military-Technical Institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan, 2018. – p.58);

## ОНЛАЙН СУД ЖАРАЁНЛАРИ

Онлайн (*инглиз тилида «online» сўзи электрон қурилма, компьютер ёки Интернет тармоғида ўтказилган вақт тушунилади. Онлайн суд мажлисларида иштирок этиш деганда бевосита одатий суд мажлиси залида эмас, балки суднинг махсус платформасида ёки видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этиш тушунилади*) суд жараёни фуқаролик суд ишини рўйхатга олишдан тортиб, ижро этишгача бўлган барча суд жараёнларини ўз ичига олади.

Бироқ, барча суд ҳаракатлари онлайн режимда ўтказилиши шарт эмас. Фуқаролик суд ишининг барча жараёнлари онлайн режимда яқунланиши ёки суд процессининг бир қисми онлайн тарзда яқунланиши ёхуд тарафлардан бири процесда онлайн, бошқа тараф эса офлайн (*«offline» сўзи инглиз тилида жуда кўп маъноларни англатади, улардан бири – интернет тармоғига уланмаган маъносини билидиради*) режимда иштирок этиши мумкин.

Онлайн суд жараёни фуқаролик ишлари бўйича суднинг онлайн судлов платформаси орқали амалга оширилади. Бизнинг назаримизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (туман, шаҳар) судлари ўзларининг онлайн суд платформаларини ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ.

Онлайн суд жараёни тарафлар бундай жараёнларда иштирок этишга ўзаро келишиб олганда амалга оширилади. Онлайн суд тарафларнинг хоҳишига ёки розилигига асосланади. Агар тарафлардан бири онлайн суд жараёнига рози бўлмаса, бошқа тарафнинг онлайн даъво қилиш ҳуқуқи бузилмайди ва фуқаролик ишлари «ярим онлайн» тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

Тарафлар онлайн суд жараёни тўғрисида келишиб олгандан сўнг, агар улар офлайн режимда суд жараёнига ўтиш тўғрисида ариза бермасалар ва асосли сабаблар бўлма-са, суд фуқаролик ишини офлайн суд жараёнида ҳолатга асосланиб кўриб чиқади.

Давлат сирлари ёки тижорат сирлари билан боғлиқ фуқаролик суд ишларида барча жараёнлар офлайн режимда олиб борилади.

Шунингдек, мураккаб далилларни узоқ вақт текшириш талаб қилинадиган фуқаролик суд ишлари ҳам офлайн режимда ўтказилиши керак.

Онлайн суд жараёнларида тарафларнинг шахсини аниқлашга муҳим аҳамият бериш лозим бўлади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фуқароларимизнинг шахси Ички ишлар вазирлигининг идентификация тизими орқали текшириб келинмоқда.

Онлайн суд мажлисларида одатдаги суд мажлисларидаги тартиб-қоидаларга риоя қилиниши лозим.

«Онлайн суд муҳокамаси қоидалари»га кўра, агар тарафлар техник сабабларга кўра ёки бошқа сабабларга кўра, онлайн суд мажлисига кирмаса ёки рухсатсиз чиқиб кетган бўлса, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан «судга келишдан бош тортган» деб ҳисобланиши мумкин. Бироқ, «судга ўз вақтида кирмаслик, онлайн суд мажлисининг саҳифасида бўлмаслик, тингловларнинг аудио ва видеолари билан боғлиқ техник носозликлар бўлса, суд биринчи навбатда тарафларга огоҳлантириш бериши мумкин.

Анъанавий суд мажлисларида гувоҳлар кўрсатма беришда судга келиши керак. Онлайн суд мажлисларида гувоҳлар аниқ ҳолатларда гувоҳлик бериш учун аудио-визуал узатиш технологиясидан фойдала-

нишлари мумкин.

Онлайн суд жараёнида гувоҳларнинг онлайн кўриниши ҳам судда гувоҳлик беришнинг ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Бироқ, гувоҳ иш муҳокамасини кузатмаслиги ва тарафларга халақит қилинмаслигини таъминлаш лозим бўлади.

Онлайн суд жараёнларида ҳосил бўлган фуқаролик суд ишига оид ҳужжатлар ва шахсий маълумотлар судлар томонидан ҳимоя қилиниши керак.

Онлайн суд жараёнига тааллуқли маълумотларни жамоатчиликка ошкор қилиш фақат суднинг ижозати билан амалга оширилади.

Онлайн суд муҳокамасида иштирок этаётган барча тарафлар онлайн суд жараёнидаги маълумотларни ҳимоя қилиш мажбуриятини олади.

Суд жараёнининг хизмат кўрсатиш платформаларида тарафлар даъво аризаси билан мурожаат қилишлари, фуқаролик суд ишларига оид маълумотларини сўрашлари, иш материаллари билан танишишлари, ҳужжатларни электрон шаклда олишлари, судьялар билан учрашиш учун учрашув тайинлашлари, далиллар ва ҳужжатларни топширишлари, ҳатто платформадаги масофавий видео-суд жараёнларида иштирок этишлари мумкин.

Онлайн суд платформи инсон ресурсларини бошқариш тизимини яратди ва бутун мамлакат бўйлаб барча суд ходимларини, хусусан, судьялар фаолиятини кузатиб бориш имконини беради. Суд ўз судьяларининг иши ҳақида билиб олиши, шу орқали судьяларнинг ишини баҳолаши ёки судьяларнинг нотўғри хатти-ҳаракатларини аниқлаб, тегишли чораларни кўриши мумкин.

Шунингдек, платформада жамоатчилик суд ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоят қилиши мумкин бўлади.

Анъанавий суд жараёнларида тарафлар синхрон суд мажлисида иштирок этадилар.

Онлайн суд жараёнларида тарафлар носинхрон тарзда суд мажлисларида иштирок

этишга техник жиҳатдан имконият мавжуд.

Барча тарафларнинг розилиги билан суд мажлиси носинхрон тартибда тарафларга маълум вақт ичида суд платформасида амалга оширилади.

Одатда, носинхрон суд мажлислари тарафларнинг суд мажлисларида шахсан иштирок этиши имконияти бўлмаган ҳолатларда қўлланилади.

Носинхрон суд мажлислари тарафларнинг ўзаро розилиги билан амалга оширилади.

Онлайн суд мажлисларини дастлаб кичик ҳажмдаги даъволар билан фуқаролик ёки соддалаштирилган тартибдаги ишларда қўлланилиши мумкин.

Ҳужжатлар ва ашёвий далиллар офлайн суд жараёнининг муҳим элементи бўлса, электрон материаллар онлайн суд жараёнининг асоси ҳисобланади.

Онлайн суд жараёнларида электрон ҳужжатлар билан ишлашни **уч турга** бўлишимиз мумкин:

**биринчи тур** – материалларни онлайн киритиш, яъни даъво аризаларни тўғридан-тўғри киритадиган электрон матнлар тўлдириш орқали амалга оширилади;

**иккинчи тур** – электрон, яъни, сканер қилинган қарши даъво аризалари, эътироз, илтимоснома каби қоғоз нусхаларини сканерлаш, кўпайтириш ва транскрипция қилиш орқали рақамли қайта ишланадиган материаллар;

**учинчи тур** – электрон шаклда тақдим этилган материаллар, масалан, электрон шартномалар. Агар юқоридаги электрон маълумотларни сақлайдиган ахборот платформаси суд ишларини юритиш платформасига уланган бўлса, электрон маълумотлар тўғридан-тўғри суд жараёнига олиб кирилиши мумкин.

**О. ПИРМАТОВ,**  
ТДЮУ доценти в.б.,  
юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

## МУРОЖААТЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШ ЖАРАЁНИДА ХУШМУОМАЛА БЎЛИШ ВА ЎЗИНИ ТУТИШ МАДАНИЯТИ

Фуқароларни давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини берувчи қонун, яъни Ўзбекистон Республикасининг янги таҳриридаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни аллақачон қабул қилинган.

Ушбу Қонунда фуқароларимизнинг қайси соҳа бўйича ҳуқуқлари бузилган бўлса, ўша соҳа бўйича мурожаат қилиш йўллари билан бирга, ушбу мурожаатларнинг ҳал этиш тартиблари ва муддатлари ҳам белгиланган.

Хусусан, Қонуннинг 8-моддасига асосан, давлат органларида, ташкилотларда, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш ташкил этилган.

Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмаслиги керак.

Шу билан бирга мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ва, агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотнинг давлат органлари, ташкилотлар ходимлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ошкор этилмаслиги лозим.

Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этганлиги, шунингдек мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.

Албатта, ариза ва шикоятларни ҳал этишда ҳар бир мансабдор шахс, у давлат органиданми, нодавлатми, жамоат

ташкilotими масъулият билан қараб қонун талабларини бажаришлари шарт. Ҳар бир ариза соҳалар бўйича ёзилиши ва аризадаги вазларни бажаришга ваколатли бош ташкilot ёки орган ҳал этиши лозим. У ёки бу масалани ўша ташкilot ўзи ҳал этиб нуқта қўйишга ваколати бўлмаса, аризалар ваколатли органга юборилиши лозим.

Шикоят ва эътирозларни ҳал этишнинг ўзи жуда масъулиятли иш ҳисобланади. Уни фақат беғараз, адолатли ва ҳолисона ҳал этиш лозим.

Мурожаатлар билан ишлашда, сайёр ва идорадаги қабулларни ташкilot этилишида хушмуомала бўлиш ва ўзини тутиш маданиятига риоя қилиш муҳим ўрин тутди.

Адолат истаб судга келган инсон, аввало, ўзининг қандай қабул қилинганлигига қараб судга нисбатан муносабатини шакллантиради. Шу боис, фуқароларни қабул қилиш судьядан касбий маҳорат ва маданият билан йўғрилган юксак салоҳиятни талаб этади.

Суд маданиятини юксалтириш ва шу йўл билан суднинг нуфузини, мавқеини орттириш мақсадида судьялар ва суд ходимлари ўз меҳнат вақтларидан тежамли фойдаланишлари ҳамда судга мурожаат қилувчи фуқароларнинг вақтини қадрлашлари шарт. Улар фуқаролар қабулини белгиланган тартибга мувофиқ ўз вақтида амалга оширишлари керак.

Фуқароларнинг суд идоралари олдига келиб соатлаб кутишларига асло йўл қўйиб бўлмайди. Иш вақтини қадрлай билмаслик нафақат ёмон ташкilotчилик ва меҳнат интизомининг йўқлигидан, балки суд маданиятининг пастлигидан ҳам далолат беради. Ҳолбуки, судга турли ариза ва шикоятлар билан жуда кўп фуқаролар мурожаат қилади.

Уларнинг барчасини қабул қилишга эришиш эса вақтдан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Судья фуқароларни қабул қилиш чоғида ҳар қандай вазиятда ҳам ҳолисона ва хушмуомала бўлиши лозим.

Мурожаатчи билан бўладиган суҳбат расмий, жиддий бўлиши керак. Касбий эътиборни қизиқувчанлик ва ачинишдан ажратиш керак. Қизиқувчанлик мурожаатчини ранжитиб қўйиши ҳам мумкин. Мурожаатчининг талаби қаноатлантирилиши ҳақида ваъдага эришиш йўсинида иш тутмаслик судьянинг таланти ва маданиятига боғлиқдир.

Судья фуқаролар билан гаплашганда бирор-бир аниқ иш ҳақида ахборот беришдан ёки мурожаатнинг оқибати юзасидан гаплашишдан тийилиши лозим. У жиддий ва самимият билан муносабатда бўлиши, қонун талаби ва одоб қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда гаплашиши зарур.

Судья ҳар қандай ҳолатда ҳам қўполлик ва менсимасликка йўл қўймаслиги керак. Тарафлар судьянинг қабулидан ўзларининг тенг ҳуқуқли эканликларини ҳис қилган ҳолда чиқишлари керак.

Қабул давомида судья ўз ташқи кўринишига эътибор бериши ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиши ҳам аҳамиятлидир. Афсуски, айрим судьялар доимо ҳам ўзларининг ташқи кўринишларига эътибор беравермайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши томонидан 2017 йил 22 августда «Судьялар одоб-ахлоқ кодекси» тасдиқланди. Ушбу одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишлик мажбурий қилиб қўйилди. Судьялар қандай бўлишлари керак? Судьяларни хизматда, хизматдан ташқари вақтларида

ўзларини тутишлари қандай бўлиши лозим деган саволга ушбу одоб-ахлоқ қоидалари жавоб беради. Умуман олганда, судьянинг одоб-ахлоқига қўйиладиган умумий талаблар батафсил ёритиб берилган.

Хусусан, ушбу Кодекснинг 4-моддасига кўра, судья ҳар қандай вазиятда ўз шаъни ҳамда кадр-қимматини сақлаши, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиши, камтар, хушмуомала бўлиши ва қўпол муомалада бўлмаслиги шарт.

Қайд этилган Кодекснинг 11-моддасида эса, судья ҳамкасбларига нисбатан хушмуомала ва вазмин, танқидга нисбатан сабр-тоқатли бўлиши, унга нисбатан танқидий муносабат учун бевосита ёки билвосита таъқибга йўл қўймаслиги, бошқа судьянинг иш юритувида бўлган ишларнинг кўрилишига аралашмаслиги зарур. Унинг 17-моддасида эса, судья ўзининг ташқи кўриниши, камтарлиги ва оддийлиги билан бошқаларга ўрнатилган бўлиши лозимлиги назарда тутилган. Судья эътиборни ҳаддан ташқари жалб этадиган даражада кийинмаслиги, тақинчоқ ва бошқа безаклардан фойдаланмаслиги керак.

Судья ўз оила аъзолари, суд аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этишларини назорат қилиши, бирон-бир шахсга нисбатан судьянинг обрўсига зарар етказиши мумкин бўлган қўпол муомалада бўлинишига йўл қўймаслиги лозим.

Судьялик мақомига мос киши бўлиб шаклланиш учун қонунларда ёзилмаган, аммо амал қилиш лозим бўлган инсоний фазилатларга қатъий риоя этиш лозим. Энди шу мақсадларга мос келадиган айрим насиҳат-ўғитларни сизлар билан ўртоқлашишни мақсадга мувофиқ деб топдим. Зеро, судьялик ўта нозик ва ша-

рафли касбдир.

Яхши хислатларга эга бўлиш учун, аввало, сабр-бардош, шукроналик керак бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ва шароитда касб одобига риоя қилиш ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб қолиши керак.

Судьялик касбига камтаринлик жуда ҳам ярашади. Ўта камтарин, ўз касбининг билимдони, сабр-тоқатли ва шукроналик қилиш хислатларига эга бўлган лавозим эгалари бўлиш талаб этилади.

Суд ишларида асосий ва алоҳида муҳим бир соҳа бор, у ҳам бўлса – фуқароларнинг мурожаатларидир. Аслида биз иш фаолиятимизни ваколатимиз доирасида фуқароларнинг ариза, шикоят ва таклифларига асосан ташкиллаштиришимиз лозим бўлади. Чунки, уларнинг шикоятларида ишимиздаги нуқсонлар, ходимларимиздаги камчиликлар, судьяларнинг камчиликлари ҳақида ёзадилар. Тааллуқлилиги бўйича масъул бўлганлар ариза ва шикоятларни таҳлил қилиб, уларда келтирилган эътирозларни бартараф қилиш чораларини кўришлари керак. Шу жумладан, шахсан ўзимиз қандай хато-камчиликларга йўл қўяётганимизни билиб, уни дарҳол бартараф қилиш чораларини кўрсакгина ишимизда ижобий силжиш бўлади, албатта.

Фуқароларнинг мурожаатларида кўпинча инсон ҳуқуқининг у ёки бу тарзда бузилганлиги кўрсатилади. Мамлакатимизнинг асосий қомуси бўлган Конституциямиздан тортиб барча қонунларимизда ҳам инсоннинг шаъни, кадр-қиммати дахлсиз бўлиб, олий қадрият ҳисобланади. Унинг бузилиши эса фақат суд йўли билан ҳимоя қилинади. Шунинг учун бу муҳим масалага алоҳида масъулият билан эътибор бериш лозим. Шундан келиб чиқиб, фуқа-

роларнинг муурожаатлари тўғрисида айрим фикр-мулоҳазалар ва таклифларни билдирмоқчиман: процессуал қонунларимиз талаби ва амалиётда ҳам суд ҳокимиятининг барча босқичига фуқароларнинг ариза-шикоятлари, улар фуқаролик иши, иқтисодий иш ва жиноят иши бўйича бўладими ёзма тартибда берилиши шарт. Биласизларки, кўпчилик фуқароларимиз ўз ариза-шикоятларини тегишли босқич судига ёзиб юбориб, жавобини кутмасдан, аризани ўзи билан олиб юқори суд раҳбариятига киритмоқчи бўлиб юради. Бунинг сабаби, ариза важларини ўзи бевосита тushунтирмоқчи бўлади. Айрим пайтларда юқори суд раҳбарининг қабулига ҳар хил сабаблар билан киролмасдан, яна ўша қабул кунини кутади ёки қайтиб кетади. Раҳбар ўрнига бошқа ходимнинг қабулига киришни хоҳламайдилар.

Бунинг учун юборилган ариза важларига масъулият билан қараб, рад жавоби бўладими, қаноатлантирилган жавоб бўладими қонун талаби бўйича асослантирилган ва аризачини ишонтира оладиган жавоб бўлиши керак. Агар ёзилган ариза ва шикоятларга ҳар томонлама масъулият билан ёндашиб жавобгарликни сезиб иш тутилса, фуқаролар сарсонгарчиликдан кутуладилар. Натижада, жонли қабул муаммоси анча енгиллашади.

Айтмоқчиманки, ариза-шикоятларга, айниқса, аниқ ишлар бўйича ёзилган важларга бефарқ бўлиш ва тўла жавоб бермаслик асло мумкин эмас.

Ҳар қандай ноўрин ҳаракатларнинг олдини олиб юришда бу соҳа кишилари атрофдагиларга ўрнатилган талаб этилади.

Кишилар билан бўладиган муносабатда муомала маданияти алоҳида

муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Сизлар ҳам бошқа инсонлар каби кишилар билан ўзаро мулоқотда ва турли хил масалалар бўйича муомалада бўласизлар. Сизларнинг ҳар бир ҳаракатингизда ва муомалангизда судьялик ҳуқуқий маданияти устунлиги сезилиб туриши керак. Биз ҳуқуқшунослар, айниқса, мамлакатимиз судьялари ҳар бир масалага танқидий кўз билан қараш лозимлигини яхши биламиз. Шошма-шошарлик ёки ўйламасдан қандайдир ташқи таъсирга тушиб бирор-бир хулосага келиб қолиш эртами-кечми панд берганда пушаймон бўлинади, албатта. Аммо, энди у пушаймонни орқага қайтариш мумкин эмаслигини билишимиз шарт, деб ўйлайман.

Шундай бўлса-да, қалбимизда ишонч деган катта куч мавжуд. Ишончнинг асосида ҳалоллик, адолат, софлик ва холислик, виждонлилик, поклик, сўз билан ишнинг бирлиги ва одоб-ахлоқ фазилятлари мавжуд бўлади. Ушбу фазилятлардан келиб чиқиб айтмоқчиманки, суд тизимида хизмат қилувчилар фақат адолатпарварлиги, маданияти ва ҳушмуомаласи билангина одамлар меҳрини қозонишлари ва уларнинг ишончига сазовор бўлишлари мумкин. Ишончга сазовор бўлиш эса, сиз азизларни ўзларингизга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ва суд тизими кишилари ҳуқуқий маданиятни тўла амалга ошириши учун, аввало, ўзлари юқори ҳуқуқий савияга эга бўлишлари керак. Шу билан бирга фуқароларимизнинг ҳам умумий ҳуқуқ маданияти ўсиб бориши мақсадга мувофиқдир.

**Х. КУРБАНОВА,**  
**мустақил тадқиқотчи**

## СУДЬЯЛАР УЧУН ЗИЁ МАНБАИ

Ҳар қандай касбнинг мантиқ-маъносини, унинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини тушунтириб бериш шу касб билан шуғулланаётганлар учун ҳам, жамоатчилик учун ҳам ниҳоятда хосиятли ишдир, чунки инсон ўз касбининг мазмун-моҳиятини тўлиқ маънода тушунганда ва ҳис қилгандагина уни бенуқсон амалга ошириши мумкин.

Азиз устозимиз Убайдулла Мингбоевнинг судьялик касбига бағишланган навбатдаги «**Адолат – инсонпарварликнинг олий нуқтаси**» номли китобини интиқлик билан ўқиб чиқдим ва ушбу зиё манбаи менда жуда катта маънавий таассурот қолдирди.

Китобдаги судьянинг одоби, ақл-заковати билан боғлиқ суд жараёнларининг маданий савияси ҳақидаги баён этилган фикрлар муҳим аҳамият касб этади, чунки бу ҳолат суднинг жамиятда тутган ўрни, обрўси ва фуқароларнинг унга, у орқали давлатга бўлган муносабатларини белгиловчи энг муҳим воситалардан бири бўлиб, устоз бу масалани жуда тушунарли тарзда ёритиб берганлар.

Ҳақиқатан ҳам суд мажлисларининг маданий савияси иш бўйича раислик этувчи судьянинг билим салоҳияти, ҳаёт тажрибаси ва албатта, ақл-одоби ҳамда маданий савияси билан бевосита боғлиқдир.

Айтишларича, қозилик Аллоҳнинг назари тушган кишиларга тақдир қилинган вазифа бўлиб, судьяларга хос бўлган ақл-одоб, юриш-туриш умуммаданият мезони бўлиб ҳисобланган экан.

«Маълум бир ахлоқий сифатларга эга бўлмай туриб, чунончи, муносиб инсон бўлмай туриб, ижтимоий ҳаётда ҳаракат қилиб бўлмайди. Эзгулик қилишдан чўчийдиганларни ахлоқий гўзал одамлар тоифасига қўшиб бўлмайди. Ҳамма яхши нарсаларни яхши деб билган, бойлик ва амал ҳам буза олмайдиган одамлар энг олижаноб инсоннинг одил ҳакамидир», деган эди буюк юнон файласуфи Аристотель.

Устознинг китобдаги айнан шу масалага бағишланган судья, фуқароларнинг давлат



ва жамият олдидаги масъулиятини юракдан ҳис эта билиши, судьялик қасамёдига доимо содиқ қолиши, уни бузиб қўйишдан ниҳоятда қўрқиши, ҳамма вақт ва ҳар ишда, энг биринчи галда, хизмат фаолияти билан боғлиқ муносабатларда ўта сабр-тоқатли, метин иродали, ҳар қандай қонун бузилишига мурасасиз бўлиши, ҳалол ва адолатли бўлиши, ўз ваколатларини қонун доирасида виждонан, ҳолисона, беғараз амалга ошириши лозимлиги, судьянинг лоқайдлиги қалбининг мажруҳлиги эканлиги, унинг кибр-у ҳавога, манманликка, шахсиятпарастликка берилиши, ўзини ўзгалардан устун қўйиши бундай касб эгасига мутлақо ёт хусусият эканлиги ҳақидаги фикрлари эса, менимча, ҳар бир судья учун дастурил амал бўлмоғи лозим.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ тақлифлар алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, уларнинг амалга оширилиши натижасида ҳақиқатда ҳам суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллиги таъминланган бўлар эди.

Менимча, ушбу китобни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, айниқса, инсонлар тақдирини ҳал қилиш билан боғлиқ ниҳоятда масъулиятли вазифани бажарувчи нафақат судьялар, балки келгусида одил судловни амалга ошираман, судья бўламан деган шахслар ҳам батафсил ўқиб, ўрганиб чиқишса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, бу китоб улар учун чин маънода зиё манбаи ҳисобланади.

**К. САИДОВ,**  
суд тизими фахрийси